O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 17 ИЮЛ, сешанба
№ 29 (233)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Энг улуғ, энг азиз байрамимизга 45 кун қолди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Мамлакатимизда иқтисодий соҳа ва уни бошқариш жараёнида вужудга келган хўжалик низоларини ҳал этишда хўжалик судларининг мавқеи ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулоти ҳам хўжалик судида тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига бағишланди.

Унда тадбиркорлар қандай тартибда хўжалик судига мурожаат қилишлари, шунингдек, тадбиркорлар томонидан даъво аризаси беришдаги муаммолар, шартномавий муносабатлардаги низолар, тугатиш комиссияси фаолияти билан боғлиқ масалалар, суд қарорларининг ижро этилишидаги камчиликлар ҳақида сўз юритилди. Ушбу фаолият тури билан боғлиқ бўлган қонунларнинг ижроси хусусида фикр-мулоҳазалар айтилди. Амалиётдан келиб чиққан ҳолда баъзи қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хусусида ҳам таклифлар билдирилди.

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ: ЎЗБЕК МОДЕЛИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан изчил борилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу ғоя Юртбошимизнинг **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"** ги (1997 йил 25 июнь) Фармонида илгари сурилган бўлса, орадан қарийб бир ой ўтмай (1997 йил 22 июль) Вазирлар Маҳкамасининг **"Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида"**ги қарори, 1997 йилнинг 29 августида эса **"Жамият ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"** қабул қилинди. 1998 йилнинг 29 майида Вазирлар Маҳкамасининг **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилиниб, миллий дастурни рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирлар режаси тасдиқланди. 2001 йилнинг 4 январида Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги фармойиши эълон қилинди. Шундай қилиб, ҳуқуқий маърифат тарғиботининг ўзимизга хос бўлган мукаммал тизими яратилди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ўзига хослиги халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Миллий дастурда таъкидланганидек, жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир.

Миллий дастур кўп йўналишли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Юртбошимиз уқтирганларидек, **"Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳак-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади"**.

Ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш миллий дастури ва Конституцияни ўрганишни ташкил этиш юзасидан республикамизда бекиёс ишлар амалга оширилди. Унинг залворли юки Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган бўлиб, вазирликда бу борада салмоқли ишлар қилинди. Аввало, Бош Қомусимизни ўрганиш бўйича дастур, услубий кўрсатмалар ва талаблар ишлаб чиқилди. Ноюридик олий ўқув юртлари учун бакалавр йўналиши бўйича дастур яратилди ва унинг асосида "Конституциявий ҳуқуқ" дарслигининг қўлёзмаси ёзиб тугатилди. Шунингдек, вазирликда Конституцияни бобма-боб ўрганиш бўйича махсус дастур тасдиқланган бўлиб, ҳафтанинг ҳар душанба куни йирик олим ва мутахассислар маърузалар ўқишади.

Адлия вазирлиги ҳузурида (2000 йилнинг декабридан) республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини таъминлаш ва такомиллаштириш, қонунчиликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятини ривожлантириш мақсадида қонунчилик тармоқлари бўйича (кўп йўналишли) ишчи гуруҳлари тузилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ишчи гуруҳлар зиммасига амалдаги қонун ҳужжатларни тўплаш, умумлаштириш; қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб, амалиётдаги муаммоларни, қонунларнинг жойларда ишламаслик сабабларини аниқлаш; қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш учун зарур бўлган таклиф, мулоҳазалар бериш; қонунчилик амалиёти борасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш вазифаси юклатилди.

(Давоми 3-бетда)

ФАРҒОНА: ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК

Адлия тизими

ФАРҒОНА

Вилоят шаҳар ва туман давлат нотариуслари томонидан 210.701.835 сўм давлат божи ундирилди.

* * *

Шаҳар ва туман давлат нотариуслари томонидан жойларда 168 маротаба маъруза ўқилиб, 172 маротаба суҳбатлар ўтказилди.

* * *

Вилоят шаҳар ва туман нотариуслари томонидан 2001 йилнинг биринчи ярмида 24 та ер ажратиш, 941 та ҳовли-жой, 3264 та квартира олди-сотди, 5949 та автомашина олди-сотди шартномалари, 1640 та ҳар хил шартнома, 803 та васиятнома, 1562 та мерос гувоҳномаси, 43 та мулкка эгалик гувоҳномаси, 13384 та ишончнома тасдиқлаб берилди.

* * *

Шунингдек, вилоятдаги хусусий нотариуслар томонидан 205 та ҳовли-жой, 613 та квартира, 1086 та автомашина олди-сотди шартномалари, 105 та ҳар хил шартнома, 36 та васиятнома, 2492 та ишончнома тасдиқлаб берилди. Хусусий нотариуслар томонидан 39.924.600 сўм ҳақ ундирилди.

САМАРҚАНД

Ўтган бир ой ичида вилоят адлия бошқармаси "Ишонч" телефонига 14 нафар ҳуқуқлари бузилган тадбиркорлар мурожаат қилишди. Шунингдек, шу муддат ичида вилоят фуқаролик судига 19 та даъво аризаси киритилди. Фуқароларнинг бузилган манфаатларини тиклаш мақсадида жавобгарлардан 6 миллион 425 минг 823 сўм ундириладиган бўлди.

Гўзалкент туманидаги М. Эштўраев номли хўжаликнинг 2-бригадаси бошлиғи О. Ғайбаров адлия бошқармасига туман ҳокимлиги фермер хўжалиги ташкил қилишга тўсқинлик қилаётганлиги ҳақида шикоят қилган эди. Текширишда О. Ғайбаровнинг мурожаатида кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланиб, туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Яқинда туман ҳокимлиги томонидан тақдимнома ижроси тўлиқ таъминланди. "Серқуёш" фермер хўжалиги ташкил этилиб, 36,8 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан йилнинг ўтган ярим йилида 29 та мижозга 55,6 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

4 МИЛЛИОН 520 МИНГ 600 СЎМ УНДИРИЛДИ

Бўз тумани "Бобур" ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи оила пудратчиси О.Тошбоев Андижон вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг ҳуқуқий хизмат бўлинмасига 2001 йил 15 июн куни "Бобур" ширкат хўжалигига 2000 йил даврида буғдой ва пахта ҳосили топшириб, жами 2025303 сўм ҳақини ололмай келаётганлигини кўрсатиб, уни ундириб беришга ёрдам сўраб, ариза билан мурожаат этган. О.Тошбоевнинг аризаси ХББ ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, даъво аризаси билан Бўз туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилинди.

2001 йил 6 июл куни Бўз туманлараро фуқаролик суди даъвогар "Бобур" ширкат хўжалиги оила пудратчиси О.Тошбоевнинг "Бобур" ширкат хўжалигидан асосий қарз 4320600 сўмни ҳамда 200000 сўм маънавий зарарни, жами 4520600 сўмни ундириш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқди.

Фуқаролик суди даъво ишини кўриб чиқиб, жавобгар "Бобур" ширкат хўжалигидан асосий қарз 4320600 сўм ва ширкат хўжалиги раисидан нақд 100000 сўм, бош ҳисобчисидан ҳам 100000 сўм, жами 4 млн. 520 минг 600 сўмни даъвогар пудратчи О.Тошбоев фойдасига тўлиқ ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

ИНСОН ҲУҚУҚИ БОЛА ҲУҚУҚИДАН БОШЛАНАДИ

Ҳуқуқий онг равнақисиз тараққиёт юз бермаслиги аниқ. Башарият бунга ишонч ҳосил қилганига анча бўлган. Шунинг учун ҳозир дунёда одамларни қонунлар асосида яшашга тарғиб қилиш, уларни ўз ҳуқуқларини билишга ундаш бош масалалардан бири ҳисобланади.

Бола ҳуқуқи деган тушунча ана шу ҳуқуқий онгнинг таркибий қисмига киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бола ҳуқуқи тарғиботига алоҳида аҳамият бериб келаётгани ҳам шундан.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ўтган ҳафтада БМТнинг ЮНИСЕФ (Болалар Фонди) ташкилоти билан ҳамкорликда шу муҳим масалага бағишланган махсус тренинг ташкил этди. Ўқиш машғулотларида "Маънавият ва маърифат" маркази, унинг Тошкент вилояти ва пойтахт бўлимлари ходимлари иштирок этди.

Бундай курслардан кўзланган мақсад аниқ. Биринчидан, ҳуқуқий онгни шакллантириш фақат юридик маълумотга эга мутахассисларнинггина эмас, балки ҳамманинг иши. Иккинчидан, вояга етмаганлар билан ишлашни яхшилаш учун шу масалага дахлдор барча мутахассислар малакасини ошириш лозим. Учинчидан, ҳеч бир давлат бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳақиқий андоза вазифасини ўташга даъвогарлик қила олмайди. Чунки бола ҳуқуқларини тўлалигича таъминлаш жаҳоний масала ва бу борадаги муаммоларни оқилона ҳал этишдан бутун башарият бирдай манфаатдор.

Дунёда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, иқтисодий жиҳатдан ночор оилалар борлиги, тиббий хизмат даражаси пастлиги оқибатида болалар ўлимининг мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида дунё бўйича бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлардан Ўзбекистон ҳам четда эмас.

Тренинг бу соҳадаги ишларимизни янада яхшилашга ҳисса қўшади.

Мурод ҲОШИМОВ

ҚОЧГАН ҲАМ, ҚУВГАН ҲАМ ХУДО ДЕЙДИ...

ёки аттестация баҳонасидаги «ўйин»лар

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос йўлидан борилябти. Бу аввало, кўп укладли иқтисодиёт негизи асосида бунёд этиляпти. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мулкдорлар иқтисодиётнинг таянч бўғинига айланиб бормоқда.

Энг муҳими, юртимизда тадбиркорларни ҳар жиҳатдан ҳимоя киладиган, уларнинг эркин фаолиятини кафотлайдиган мустаҳкам ҳимоя тизими яратилган.

Шу билан бирга, ҳаётимиздаги айрим иллатлар қонунларимизнинг тўла амалий ижросига, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётгани ҳам сир эмас.

Қуйида ушбу жараённинг жойларда кандай кечаётганлиги ҳакида фикр юритилади.

Газетанинг 26 июн сонидаги "Мен қандай қилиб фермер бўлдим" сарлавҳали мақолани ўқидиму мен ҳам ҳамкасбимдан ибрат олиб, ўз дардларимни айтишга ахд қилдим.

"Оқ олтин" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида Мирзаобод туман ҳокимининг 1998 йил 31 декабрдаги 274-сонли қарорига асосан "Гулистон" фермер хўжалигини ташкил этганмиз. 60 гектар экин майдони 25 йилга ижарага берилган. Ўтган йили ҳаммасига чигит экдик. Тупроқ кучли шўрланган, бунинг устига об-ҳаво қуруқ келиб, кунлар бирдан исиб кетди. Икки қайта чигит экиб ҳам етарли кўчат ололмадик. Сўнг тумандаги ўта кучли шўрланиш оқибатида ҳоким қарори билан ҳисобдан чиқарилган жами 1450,2 гектар пахта майдони қаторида хўжалигимиз ерлари ҳам шудгорлаб ташланди. Ерни кузга ғалла экишга тайёрладик.

Сентябрда ғаллани экиб бўлдик. Етти кишидан иборат фермер хўжалигимиз ишчилари яхши меҳнат қилишди. Ғаллазорни тўрт марта суғоришди, қўлда 7,5 тонна ўғит солиб чиқишди. Авиация ёрдамида яна икки марта дори солишда иштирок этишди. Ер шўрлангани туфайли ғаллазорда бегона ўт кўп бўлди, ўтларни қўл билан юлиб чиқишди. Ҳатто фермер хўжалигимизга бўлажак ҳосил учун 2.230.000 сўм бўнак пули ҳам олдик.

Гўё ҳаммаси яхшидек эди. Энди 2001 йил буғдойдан яхши ҳосил олиб, юзимиз ёруғ бўлиб қолар, деган умидда эдик. Феврал ойи охирларида туман фермер хўжаликлари вакиллигига борсам, фермер хўжалигимиз аттестациядан ўтмагани ва еримиз "Оқ олтин" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасига қайтариб берилиши тўғрисида туман ҳокимининг қарорини кўриб қолдим. Ие, буёғи неча пулдан тушди, деб хўжалик, туман ва вилоятдаги тегишли раҳбарларга учрадим. Фойдаси йўқ, ҳаммаси хўжалик аттестация комиссиясининг хулосасини рўкач қилишади. Туман ҳокими ҳақ эмиш. Эҳтимол, ҳақ бўлса бордир, лекин хўжаликда ҳеч қандай аттестация комиссияси тузилмаган, бундан менинг хабарим йўқ, десам, ҳаммаси тескари бурилиб олишади, холос.

Йўқ, туман ҳокими Т.Рўзимбоев ҳақ бўлиб чиқмади. Ёлғон аттестация комиссияси тузилгани, унга асосланиб ҳоким нотўғри қарор чиқаргани, натижада Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуни 32-моддаси талаблари бузилганини адлия идоралари ва хўжалик суди кўмагида уч ойда зўрға исботладик. Бу орада ғаллага ўроқ ҳам тушиб кетди...

Хўш, бу оворагарчилик кимга зарур бўлиб қолди, дерсиз. Бунда ғайри мақсад бор эди. Тайёр ғалла майдонини кўриб, кимнингдир ичи куйиб кетган. Агар ер хўжаликка қайтарилса, режадан ошиқ ғалла ҳосилини ўзлаштириш мумкин бўларди. Шу мақсад йўлида хўжаликнинг бир ҳовуч раҳбар ва мутахассислари ер шўрланиб кетган, қаровсизлиги учун қайтариб олиш керак, деб ҳокимликка тақдимнома бериб юборишган.

Айтаверсам, гап кўп. Хўжалигимиздан ерни биринчи марта олиб қўйишаётгани йўқ. Аввал олинган 49 гектар ер икки йил қаровсиз қолиб кетганди. Ёки ғалла қабул қилиш корхонаси билан рўй берган ҳангомани айтайми?! Гулистон дон маҳсулотлари корхонаси билан 2001 йил ҳосили учун 2000 йил 25 октябрда шартнома тузгандик. Бироқ янги нархда прейскурантда эркин шартномавий нархлар ўзгарганлиги боис аксарият фермерлар қайта шартнома тузишди. Менга эса корхонадагилар туман ҳокимидан рухсат олиб келинг, дейишди.

Хорижда фермерлар йилда бирон марта ҳокимликка йиғилишга чақирилмаслигини, фақат солиқ идораси вақти-вақти билан ҳужжатларни солиштириб кўришни эшитдим, эҳ, бизда ҳам шундай бўлиб қолармикин, деб умид қиламан. Ажаб эмас, агар фермерлар бирлашиб, бюрократларга қарши курашишни ўрганса, ҳақиқий мустақил фермер хўжалиги даражасига етолсак. Ҳозир эса уруғ, ўғит, ёнилғи, техника, пул олишга ҳам рухсат керак. Фақат меҳнат қилишда мустақилсан, чунки кетмонингни бирорта майда раҳбарлар ушлашиб туришмайди...

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Бахтиёр АНОРҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги "Гулистон" фермер хўжалиги раҳбари

Бу мавзудаги мақолаларни 2- сахифада ҳам ўқийсиз

13 июль куни Халқаро Олимпия қўмитасининг (ХОҚ) Москвада давом этаётган 112-сессиясида 2008 йилда ўтказиладиган олимпиада мезбони аниқланди. Хитой пойтахти Пекин шаҳри Париж, Осака, Торонто ва Истамбулни ортда қолдирди ва энг кўп овоз олди.

* * *

Қарши шаҳридаги "Насаф" теннис клуби жамоаси "Дилором", "Олтин калитча" болалар боғчалари ва Нодирабегим номли боғча-гимназия мажмуи тарбияланувчиларига бир миллион сўмлик спорт жиҳозлари совға қилди.

* * *

Пойтахтимизнинг Марказий офицерлар уйида Ҳарбий Академиянинг навбатдаги битирувчиларини хизмат жойларига кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Хитой Халқ Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Чжу Миншан раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтдаги "Туркистон" саройида Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги санъаткорларнинг Ўзбекистон — қўшиқ байрами кўрик-танлови бўлиб ўтди.

* * *

Таиландда бокс бўйича Қирол кубоги учун ҳар йили ўтказиб келинаётган анъанавий халқаро турнирда 20 мамлакатдан 156 нафар спортчи иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари учта медалга сазовор бўлди.

* * *

Хоразм вилоятида жорий йилнинг кузида нишонланадиган "Авесто" нинг 2700 йиллик юбилейига кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 1,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикасида бутунжаҳон аҳолишунослик кунига бағишланган икки кунлик экологик фестивал бўлиб ўтди.

Суратлар муаллифи Нурмамат АЛМУРОДОВ

НОТАРИУС — МУҲРДОР ДЕГАНИМИ?

Одамзот ўз тараққиёт тарихи давомида жуда кўп нарсаларни кашф этди. Оддийгина муҳрни олиб кўрайлик. Бунинг ҳам ўзига хос яратилиш тарихи бор. Кейинчалик ана шу муҳрга эгалик қилувчи, уни ўзининг иш куролига айлантириб олган мутахассис-муҳрдор (ҳозирги нотариус) касби пайдо бўлди. Замонлар ўтиши билан бу соҳа ривожланди ва бугунга келиб ҳуқуқий заруратга, инсоний муносабатларнинг ўзига хос маданий шаклига айланди.

Бугунги баҳсимиз ана шу ҳақда.

Аввало, нотариус сўзи қандай маънони англатади, деган саволга жавоб берайлик.

"Нотариус" сўзи юнонча (notatius) хат тузувчи, хатловчи, деган маънони билдиради. Айрим манбаларда у муҳрдор, муҳр эгаси деб ҳам изоҳланади. Унинг келиб чиқишига Исо алайҳиссалом таваллудидан аввалги 103-йилга нисбат берилади. Айнан шу даврда тарафлар имзолайдиган ранг-баранг ҳужжатларни рўйхатга олиш имконияти пайдо бўлганлиги туфайли нотариуслар махсус ваколатга эга бўлишган. Ҳужжатлар эса тарафлар томонидан бирдай имзоланиши амалда жорий этилган.

Буюк Константин ҳукмронлик қилган даврда (306-337 йиллар) нотариусларнинг ишини ташкил этишга жиддий ўзгаришлар киритилган. Айрим нотариал ҳужжатлар далилий куч касб этган, шунингдек, уларга (хусусан, ҳадя тўғрисидаги ҳужжатларга) мажбурийлик мақоми берилган. Суд маслаҳатчилари иштирокидаги суд жараёнида гувоҳларни сўроқ қилишда, ҳукмларни ўқиб-эшиттиришда нотариусинг иштироки шарт қилиб қўйилган. Бу даврга келиб, нотариуслар якка тартибда ишлашмас, балки улар жамоа (компанияларга) бирлаштирилган. Давлат эса нотариал ҳаракатлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини тартибга солиш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Қадимги Римда нотариуслик касбининг обрўйи шунчалик баланд бўлганки, ҳатто император Жовьеннинг (363 йил) ўзи ҳам нотариус ҳисобланган. Рим черкови ҳам ўзининг хусусий "нотариат"ига эга бўлган. Ҳазрат Папа Клемент IV турли суд жараёнлари ва ҳаттоки маҳкумларни жазолаш маросимида нотариус сифатида иштирок этган.

Қадимги мисрлик нотариуснинг иши ва унинг меҳнатига бўлган ҳурмат эътиборга лойиқдир: мисрлик нотариус ўзининг кундалик ёзишмаларида тиғли кремний тошидан фойдаланган. Сиёҳ ўрнида эса табиий ашёлар ишлатилган, расмийлаштирилган молиявий ва бошқа ҳужжатлар лойдан ясалган хумларда сақланган.

Жаҳон нотариати тарихида муҳим из қолдирган навбатдаги босқич қадимги Юнонистонда амалга ошди: бу даврга келиб, нотариуслар шартномаларни расмийлаштириш ва рўйхатга олишда ҳам хусусий, ҳам давлат ҳуқуқига асослана бошладилар.

Шундай қилиб, инсоний цивилизация тараққий этиши билан нотариат соҳа ҳам, нотариуслик касбининг сифатлари ҳам ривожлана борди. Бугунги кунга келиб, ҳаётимизни нотариал идораларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Нотариал хизматнинг бу соҳаси фуқаролар ўртасидаги ўта ҳаётий масалаларни тартибга солиш, низо ва жиноятларнинг олдини олиш сингари ўта муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

Нотариал хизмат ҳақида фикр юритганда қуйидаги икки саволнинг пайдо бўлиши табиий: нотариус бу — лавозимми? Унинг хизмат йўналишлари ва бажарадиган ишлар рўйхати қатъий белгиланганми?

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган ва 1997 йил 1 мартдан кучга кирган. **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонуннинг 2-моддасида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: **"Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йил муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади"**.

(Давоми 3-бетда)

Ҳуқуқий маърифат

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ НИМА?

Сиз у ҳақда қандай тасаввурга эгасиз?
Мазкур хизмат қандай меъёрий ҳужжатларга асосланиб иш юритади?

Интеграция жараёнининг фаоллашуви натижасида кундалик турмуш тарзимизга кўплаб янгиликлар кириб келмоқда. Шулардан бири аудиторлик хизмати ҳисобланади. Мазкур атамани кўпчилик эшитган ёхуд унга ўз фаолиятида дуч келган бўлиши мумкин. Лекин ушбу тушунчанинг туб моҳиятини ҳамма ҳам ҳали тўлиқ тушуниб етмаган, десак асло адашмаймиз. Шундай экан, бу ўринда қуйидаги саволларнинг пайдо бўлиши табиий: Хўш аудиторлик хизмати нима? Улар қандай ҳуқуқий меъёрларга асосланиб иш юритади?

Аудиторлик хизмати деганда муайян ваколатларга эга бўлган шахслар – аудиторлар томонидан хўжалик ишларини юритувчи субъектларнинг ҳисоб – китоб ҳисоботлари ва амалга оширган молиявий операцияларининг тегишли қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида таҳлил этадиган текширув назарда тутилади. Аудиторлик хизмати доирасида мижозлар билан шартнома бўйича иш юритувчи консалтинг хизмати тури ҳам мавжуд.

Мамлакатимизда аудиторлик хизмати тўғрисидаги қонун илк бор 1992 йилда қабул қилинган эди. Ўтган йиллар мобайнида унга янги ўзгартиришлар киритиш зарурияти пайдо бўлди ва шу боис Олий Мажлиснинг 2000 йилнинг 26 май куни бўлиб ўтган иккинчи чақириқ иккинчи сессияси янги таҳрирдаги аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун 2000 йилнинг сентябр ойидан бошлаб амалиётга жорий этилди. Энди шу ўринда янги таҳрирдаги қонуннинг эскисидан фарқланувчи хусусиятлари хусусида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, олдингисида аудиторлик фаолиятини юридик ва жисмоний шахслар амалга ошириши кўзда тутилган эди. Янги таҳрирдаги қонунда ушбу фаолият билан фақат муайян ваколатга эга бўлган юридик шахслар аудиторлик ташкилоти шуғуллана олиши айтилган. Шунингдек, мазкур қонуннинг 5-моддасида вазирликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг аудиторлик ташкилоти тузиши ман этилган.

Аудиторлик фаолиятида холисликни таъминловчи мустақил иш юритишни йўлга қўйиш, кўрсатиладиган хизматнинг сифати учун маъсулиятни ошириш мақсадида янги таҳрирдаги қонунда бир қанча талаблар белгилаб қўйилди. Улар жумласига аудиторлик ташкилотларнинг таъсис маблағи энг кам ойлик иш ҳақининг 1200 баробаридан оз бўлмаслиги ва мазкур маблағнинг камида 51 фоиз қисми бир ёки бир нечта аудиторга тегишли бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаблар киради. Қонунда ушбу бандлар хорижий аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси бўлган аудиторлик ташкилотига жорий этилмаслиги ҳам кўрсатилиб ўтилган. Шунингдек, ушбу қонунда аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камида икки нафар аудитордан иборат бўлиши ва унга фақат аудитор раҳбар бўла олиши белгилаб қўйилган.

Янги таҳрирдаги қонун аудиторлик ваколатини кафолатлаши баробарида аудиторга олинган ахборотни сир сақлаш мажбуриятини юклаган.

Аудиторлик текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни тарқатганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, банкларда қўшимча тарзда ўтказиладиган текширувлар энди Марказий банк билан келишув асосида амалга оширилади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш учун эса хўжалик фаолиятини юритувчи субъектнинг ўзи буюртмачи вазифасини бажаради.

Қонун хўжалик ишларини олиб борувчи субъектларнинг мажбуриятларини назарда тутиб, аудиторлик текширув пайтида уларнинг ҳуқуқини белгиламайди. Шу боис унга аудиторлик текшируви жараёнида амал қилинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги қоида киритилган. Булар сирасига текширув натижалари билан танишиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, молиявий ҳисоботлар ва тавсиялар олиш, аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлган баҳсли ҳолат юзасидан судга мурожаат этиш каби масалалар киради. Қолаверса, қонунда аудиторлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг мустақиллигига тазйиқ ўтказиш ва ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик мавжудлиги алоҳида уқдирилган.

Хуллас, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган аудиторлик хизмати юртимизда тобора тараққий этмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилган ишлар натижаси шуни кўрсатадики, аудиторлик фаолиятида юқори сифатли хизмат кўрсатиш асосий ўрин эгаллайди. Шу боис бу соҳа ходимларининг билим ва малакасини ошириш ваколатларини қонун асосида кафолатлаш, улар фаолиятини жаҳон амалиётида қўлга киритилган тажрибалар билан уйғунлаштириб бориш лозим. Бунинг учун ҳар бир фуқаро ва ташкилот раҳбари ўз-ўзини тергаш ҳамда текшириш асосида иш олиб бориши баробарида аудиторлик фаолиятининг туб моҳиятини тўғри англаб етиши, бу соҳага оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ўз вақтида танишиб бориши талаб этилади. Ўз навбатида аудиторлар ҳам фуқароларга холис ва юқори сифатли хизмат кўрсатишлари шарт. Бир сўз билан айтганда, "қарс икки қўлдан чиқади "мақолига амал қилиб иш юритилса, фаолият турлари ўзаро текширув асосига қурилса, бундан ҳеч ким ютқазмаслиги, аксинча, фақат ютиши тайин.

Эркин АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлигининг Халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишлар бошқармаси бошлиғи муовини

Адлия тизими

АНДИЖОН

Андижон вилоят Адлия бошқармаси Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2001 йилнинг шу кунига қадар 87 та қўшма корхона, 78 та хўжалик бирлашмалари, 409 та очиқ-ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари рўйхатга олинган.

Яқинда ушбу қўшма корхоналар фаолияти **"Текширишларни мувофиқлаштириш вилоят ҳудудий комиссия"** нинг рухсати асосида ўз Низомларига амал қилиниш ҳолатлари ўрганилганда, улар фаолиятида амалдаги Қонунларга риоя қилмаслик ҳолатлари мавжуд эканлиги аниқланди.

Масалан, кейинги олти ойда бошқарма бўлими томонидан 60 та хўжалик субъектларида ўтказилган текширишлар натижасида судларга 485 та даъво ариза киритилди, қонун бузилишлари олдини олиш мақсадида 72 та тақдимнома киритилиб, қўлланилган жарималар миқдори 1470000 сўмни ташкил этади. Молия — хўжалик фаолиятини олти ой ва ундан ортиқ муддат давомида амалга оширмаётган 4 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни тугатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори асосида давлат рўйхатидан чиқарилди. Яна шундай корхоналардан 19 таси ҳозирги кунда тугатилиш арафасида.

2001 йил давомида 5 та хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарда таъсис ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, қонунбузилишлар ва уларни келтириб чиқарган сабаб ва шароитлар аниқланди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар чиқарилди.

Ҳозирги кунга қадар таъсис ҳужжатларига риоя қилмаган 5 та акционерлик жамиятларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сонли қароридан келиб чиқиб жами 1470000 сўм жарима қўлланилиб, тегишли судлар орқали давлат фойдасига ундирилди.

Халқимиз ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан бораётган экан, энг аввало барчамиз қонун олдида масъуллик туйғусини ҳис этишимиз, унинг амалий ижроси учун юракдан қайғуришимиз лозим.

Акром ИСОҚОВ тайёрлади

ШАРТНОМА ХЎЖАКЎРСИНГА ТУЗИЛМАЙДИ

Ҳа, шунақа, шартнома бошқаларнинг кўзи учун эмас, балки бажариш учун тузилади. Лекин бу муҳим ҳужжатни шунчаки бир қоғоз деб ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Айни ҳолатда бу қоғоз ўз қонуний кучини кўрсатса, унга эътиборсиз қараганлар мум тишлаб қолишади...

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг Конимех тумани инспекцияси томонидан олинган маълумотга кўра, 2001 йилда тумандаги олтита ширкат хўжалиги билан "Бухоро-Қоракўл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўртасида қоракўл тери етказиб бериш бўйича 2001 йилда олтита контрактация шартномаси тузилган. Бироқ шартномада кўрсатилган мажбуриятлар "Бухоро-Қоракўл" жамияти томонидан лозим даражада бажарилмаган, яъни ширкат хўжаликларига берилиши керак бўлган бўнак суммалари белгиланган вақтда берилмаган.

Контрактация шартномалари мажбуриятларига кўра, "Бухоро-Қоракўл" ОТЖ томонидан тумандаги "Караката" ширкат хўжалигига 2.137.500 сўм бўнак берилиши ўрнига 570.000 сўм, "Сарибел" ширкат хўжалигига 15.552875 сўм ўрнига 3.828.400 сўм, "Конимех" ширкат хўжалигига 9.139.000 сўм ўрнига 2.304.000 сўм, Абай номли ширкат хўжалигига 18.750.000 сўм ўрнига 5.040.000 сўм, "Қизилқум" ширкат хўжалигига 14.250.000 сўм ўрнига 3.800.000 сўм, "Маданият" ширкат хўжалигига 1.035.000 сўм ўрнига 360.000 сўм бўнак берилганлик ҳолатлари қайд этилди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан барча ширкат хўжаликлари манфаати кўзланиб, туман ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг Конимех туман инспекциясига тегишли судда даъво қўзғатишга таллуқли ҳужжатларни адлия бошқармасига тақдим этишлари лозимлиги сўралган.

Шу пайтгача фақат Абай номли ширкат хўжалиги раҳбарияти шартнома бўйича берилмаган бўнак суммасини ундириб беришни сўраб, адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Абай номли ширкат хўжалиги манфаати кўзланиб, "Бухоро-Қоракўл" ОАЖга нисбатан даъво қўзғатилди. Даъво аризасида ширкат хўжалиги фойдасига 13.710.000 сўм асосий қарз, 263.232 сўм пеня ва 2.056.500 сўм жарима ундириш тўғрисида даъво талаби кўрсатилган.

Бухоро вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра, Абай ширкат хўжалиги фойдасига 13.710.000 сўм бўнак қиймати, 263232 сўм пеня ундириб берилди.

Сайёра ЖУМАНОВА,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ФЕРМЕРНИНГ ИСМИ НЕГА НОТЎҒРИ ЁЗИЛДИ?

Поплик А.Юнусов фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер сўраб "Машъал" ширкат хўжалиги бошқарувига ариза беради. Унинг аризаси ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилади. Умумий йиғилиш ва туман ҳокимининг 1998 йил 4 ноябрдаги 558-сонли қарорига асосан "Машъал" ширкат хўжалиги ҳудудида "Бобур" номли фермер хўжалиги ташкил топади. 1998 йил октябр ойида ширкат ва фермер хўжаликлари ўртасида 50 йил муддатга ижара шартномаси тузилади. Ана шу ҳужжатларга асосан фермер хўжалигига 46.7 гектар ер ажратиб берилади. Ушбу ер майдонининг 13.7 гектарида пахта, 19 гектарида ғалла ва 11.7 гектарида беда етиштириш режалаштирилади. Акмалжон Юнусов бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари 1999-2000 йилда баракали ҳосил етиштирадилар. Режа пахта бўйича 101.1, ғалла бўйича эса 109.5 фоизга адо этилади.

Фермер хўжалиги бошлиғи 2000 йил натижаларидан хурсанд бўлиб турган бир пайтда ширкат хўжалиги ҳудудидаги ерларни алмашлаб экиш тўғрисида гап тарқалади. А.Юнусов ҳам "Машъал" ширкат хўжалиги бошқарувига ерни бир йил муддатга алмаштириш тўғрисида ариза беради. Унинг аризаси ширкат хўжалиги вакилларининг 2001 йил 15 январда бўлиб ўтган йиғилишида кўриб чиқилади. Бироқ мазкур йиғилиш қарорининг 15-бандида Акмалжон Юнусовнинг исми ўзгартирилиб, "Юнусов Мақсудалига 25.4 гектар ер ажратиб бериб янги фермер хўжалиги ташкил этилсин" деб ёзилади. Бу "англашилмовчилик" қаердан келиб чиқди? Фермернинг исми нега нотўғри ёзилди экан?

Ваҳоланки, фермернинг аризасида 13.7 гектар пахта ва 20 гектар ғалла майдони ўрнига бир йил муддатга 620 ва 621-контурлардаги ерларни бериш сўралган эди. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мукаррамхон Ибрагимова негадир ана шу унумли ерни фермер А.Юнусовга беришни лозим топмаган кўринади. Шу сабабли у чалкаш қарор чиқариб, фермернинг бошини қотириб, уни сарсон қилмоқчи бўлган. Фермер ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганида раис томонидан унга унумсиз ер майдони кўрсатилган. А.Юнусов бундай ерда деҳқончилик қилиб бўлмаслигини айтиб, уни олишдан қатъий бош тортган.

Ўз навбатида Поп туман ҳокими 2001 йилнинг 14 февралида "Машъал" ширкат хўжалиги вакилларининг 15 январда бўлиб ўтган умумий йиғилиш қарорини рўкач қилиб олган ҳолда "Бобур" фермер хўжалиги ерларини алмаштириш тўғрисида 125-сонли қарор чиқаради. Туман ҳокимининг юқоридаги қарори Ўзбекистон Республикаси **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонуннинг 9-моддасига зид бўлганлиги туфайли "Бобур" номли фермер хўжалиги ва "Машъал" ширкат хўжалиги ўртасида тузилган шартнома талаблари бузилган ва охир-оқибат фермер ерсиз қолган.

Фермер А.Юнусовнинг бундан қатъий норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига ёзган аризаси ўрганиб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликлар асосида туман ҳокимига тақдимнома киритилади. Туман ҳокимининг 2001 йил 24 июндаги 486-сонли қарори билан алмашлаб экиш баҳонасида фермер А.Юнусовдан олиб қўйилган ер майдони қайтарилди.

Толибжон МИРАБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимининг бош маслаҳатчиси

Таҳрирсиз мактуб

РАИСНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ ТАДБИРКОРНИ "СИНДИРДИ"

Мен 1994 йилда Навоий шаҳар ҳокимлигининг қарорига асосан "Умар" хусусий фирмасини ташкил қилдим. Фирманинг асосий йўналиши чорвачиликни ривожлантириш ва сут-гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган эди.

1994 йилда Навбаҳор туман ҳокимлигига ер бериш тўғрисида мурожаат этган эдим. Туман ҳокимлигининг 226-сон 9 июл 1997 йилги қарорига асосан менга Бешработ қишлоғининг "Гигант" жамоа хўжалиги 6 бригада ҳудудидан 7,7 гектар ер майдони 10 йиллик муддат билан ижарага берилди. Ернинг 4,4 га майдонига буғдой ва 3,3 га майдонига беда эктим. 1996 йил Навоий шаҳар бизнес фонди билан 1 миллион сўм кредит олиш учун шартнома туздим. Бизнес фонд менга 1996 йил 19 августда 35% устамаси билан 800 минг сўм кредит берди. Пул кўчириш йўли билан 38 бош қорамол сотиб олдим. "Истиқлол" жамоа хўжалигига С. Раҳимова раис бўлиб келди-ю, йўлимга ғов қўйилди. Гап шундаки, С.Раҳимова менга қарашли бўлган 4,4 га ердаги буғдойни, 3,3 га ердаги бедани ғайриқонуний равишда ўзбошимчалик билан бузиб, шудгор қилиб ташлади.

У ерни бузиш тўғрисида менга ҳеч қандай қарор ҳам, акт ҳам, ёзма равишда ҳат ҳам берган эмас. С.Раҳимова ерни бузган пайтда фирма ихтиёрида 38 бош қорамол боқилаётган эди. Мен раисга ерни бузмасликни, ерни олса мен бу молларни қандай боқишимни, моллар касал бўлиб ўлса бу зарарни ким тўлашини айтдим. У гапларимни эътиборга олмади. Молларга озуқа етказа олмадим, натижада бирин-кетин 22 бош қорамол очликдан нобуд бўлди, емхашак йўқ эди.

Ўлган молларга ветеринария актлари ва хулосалари берилган. фирма аъзолари ҳам ишсиз, ҳам ерсиз қолди. Даромад ололмаганим учун Бизнес фонддан олган қарзимни ўз вақтида тўлай олмадим. Ҳозирги кунда ҳам қарзимни қайтара олганим йўқ. Чунки даромад оладиган ер ҳам, мол ҳам йўқ.

Алқисса, маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ўзбошимчалиги туфайли умид билан бошлаган фаолиятим барбод бўлди. Менга ажратилган ер тортиб олинди. Шу сабабли кўрган моддий ва маънавий зарарни суд орқали қонуний равишда ундириб олишда ёрдам беришларингизни сўрайман.

Умар ҲАСАНОВ,
тадбиркор

ТАҲРИРИЯТДАН: *"Таҳрирсиз мактуб" рукни остида берилаётган бу мактуб кишини ўйга солади. Албатта, ҳатда зикр этилган шикоят бир томоннинг фикри эканлигини унутмаслигимиз лозим.*

Хўш, ҳатда келтирилган фикрларга Навбаҳор тумани раҳбарлари нима дейди?

Биз уларнинг жавобини кутамиз.

Оталар дейдики:

Кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қилади. Кимнинг ташвиши кўпайса, бутун танаси дард тортади. Кимки одамлар билан жанжаллашишга одат қилса, обрўси ва мурувватидан ажралиб қолади.

* * *

Кўрган-билгани ҳақида гувоҳлик беришдан бош тортган одам ёлғон гувоҳлик берган билан баробардир.

* * *

Ёмон улфатдан яккалик яхши, яккаликдан яхши улфат яхши, жим ўтиргандан фойдали гап яхши, бефойда гапдан сукут сақлаган яхши.

Қонун ва ижро

ҚИЗБУВИ ЧЎҚҚИЛАРИ ЭТАГИДА

қонунга суяниб, истиқболга юзлашаётганлар

Самарқанд вилоятида ўтказилган "Энг яхши фермер хўжалиги" кўрик-танловида ўтган йил якуни бўйича "Сарбозор" фермер хўжалиги иккинчи ўринни эгаллади. Ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт — бир йилда бундай юқори натижага қандай эришилди?

— Яширишнинг ҳожати йўқ, — дейди фермер хўжалиги раиси Шокир Қурбонов. — Жамоа хўжалигида ишлаб биримиз икки бўлмади. Оллоёров номли хўжаликка қарардик. Бригада бошлиғи эдим. Ернинг шароити оғир, суғориш ишлари ундан ҳам қийин. Ҳосилдорлик ўта паст эди. Ҳар гектар майдондан 18-20 центнердан пахта ҳосили олинар, унинг даромади уруғлик чигит, ўғит, техника, ёқилғи харажатларига умуман етмасди. Йил давоми ишласакда, қарзга ботиб қолаверардик. Бригадамизнинг 45 нафар аъзоси битта фермер хўжалигига уюшишга қарор қилдик. **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонунни обдон ўргандик. Шу асосда зарурий ҳужжатларни тайёрладик. Бригадамиздаги 108,3 гектар ерни ва бригада мулки бўлган чопиқ тракторларимизни фермер хўжалигимизга хатлаб беришди.

Сув ва суғориш шароити яхши бўлмаса, натижа кутишга ҳожат йўқ. Кетмон урсанг, тошга тегади. Қуёш ҳам тош ерни тез қиздиради. Деҳқонларимиз яхши билишади: тошлоқ ерга экилган пахта тез-тез енгил суғоришни талаб қилади. Шунинг учун ҳадеганда сув керак. Фермер хўжалиги иш бошлаган биринчи кунларданоқ давлат банкидан 4 миллион сўм кредит олишган. Ана шу маблағ эвазига сув йўлларини тартибга келтиришган. 200 метр узунликда бетон ариқ ётқизишган. Электр насоси қурилиб, 900 метр масофага сув қувурлари тортилган.

Суғориш шароити яхшиланганги, ернинг тилини билиб меҳнат қилингани боис ўтган биринчи йилда мавжуд 49,2 гектар пахта майдонидан 227,2 тонна ҳосил олинди. Ҳар гектар ҳосилдорлиги 46 центнерданга тўғри келди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан фермерлар 14 миллион 837 минг сўм даромад қилишди. Бундан ташқари мавжуд 11,6 гектар боғ майдондан қилинган ялпи даромад 1 миллион 442 минг сўм бўлди. Пахтачилик ва боғдорчилик сарф-харажатлари чиқарилиб ташланганда, йиллик соф фойда 5 миллион 125 минг сўмни ташкил этди.

Шу йил бошида фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамида 4 миллион 993,5 минг сўм маблағи бор эди. Вилоят фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда фахрли ўрин соҳиби бўлишлари боиси ана шулар.

Фермерлар бу йил ҳам анча дадил ишлаяпти. 28 гектар майдонга экилган ғалланинг 6 гектари лалми ерда эди. Ҳар иккаласини қўшиб ҳисоблаганда гектаридан ўртача 45 центнердан ҳосил олинган. Давлатга шартномавий режадаги 41 тонна ўрнига 51 тонна дон топширилибди.

— Фермер хўжаликларининг шартномавий режадан ортиқча етиштирган маҳсулоти ўзиники. Ўн тонна ғалла зиёд топширилиш сабаби нима, юқоридан мажбур қилишдими? — сўрадик Ш. Қурбоновдан.

Фермер хўжалиги раиси ишчиларига қаради. Ўзини Шарофиддин Турсунов деб таништирган сувчи суҳбатимизга қўшилди.

— Ўзимиз шуни хоҳладик, — деди у. — Президентимиз тадбиркорларни, фермерларни қўллаб-қувватлаб турганда биз ҳам Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаравонлигини ўйлашимиз керак-ку, ахир!

— Шартномавий режа ортиғи билан бажарилгандан кейин ҳам 38 тонна ғалламиз қолди, — Ш. Турсуновнинг сўзини давом эттирди механизатор Санақул Султонов. — Фермер хўжалиги ҳар бир аъзосига иш ҳақига натура ҳолда 500 килограммдан ғалла тарқатилди. Кўнглимиз тўқ, омборда ҳали яна ғалламиз бор. Ишимизга қараб ҳар биримизга ойлик маош белгиланган. 7 минг сўмдан — 15 минг сўмгача. Вақтида бериляпти.

Фермер хўжалиги аъзоларининг саховатлилиги фақат бу эмас. Боғларида етиштирилган мева-чевадан 100 минг сўмлик маҳсулотни болалар боғчаларига ёрдам тариқасида улашган. Саховатлиларнинг йўли очиқ бўларкан. Боғдорчиликда бу йил ўтган йилгидан ҳам кўпроқ — қарийб 2 миллион сўм даромад олиш кўзланмоқда.

49 гектар майдонда пахта намунали парвариш қилинмоқда. Ғўзалар учинчи сувдан чиқариляпти. Ҳар туп ғўзада 6-7 дона кўсак бор...

Агар йўлингиз тушса, даштга — Зиёвуддин тоғлари томонга албатта, ўтинг. Тоғнинг Қизбуви чўққилари этагида ямяшил денгиздек чайқалиб, баравж ўсаётган "Сарбозор" фермер хўжалигининг ғўзаларига кўзингиз тушади.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Она Ўзбекистон саховати бу...

ЛАБЗ КЕТСА, ФАЙЗ КЕТАДИ

Халқимизда лабзинг кетди, файзинг кетди, деган мақола бежиз айтилмаган. Унинг замирида одамнинг қадр-қиммати, ғуруру ори билан бевосита боғлиқ катта маъно ётибди. Бугунги кунда оддий одамлар эмас, балки айрим хўжалик раҳбарлари ваъда бериб, уни бажармаслиги одатий ҳолга айланиб бораётгани ачинарли ҳол, албатта. Айтган сўзида туриш, яъни ваъдага вафо мардларнинг иши. Борди-ю, ваъда бериб, уни бажармаса, яъни ўз сўзида турмаса, субути кетиб, эл орасида бебурд деган ном чиқаради. Буни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин.

"Халил ота" фермер хўжалиги раҳбари М.Халилов Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан 2000 йил пахта хом ашёси учун ўзаро манфаатли шартнома тузган эди. Фермер хўжалик пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига маҳсулотни вақтида етказиб бериб, ўз зиммасидаги мажбуриятни бажарди. Шундан сўнг жамият раиси маҳсулот учун тўлов ҳақини етти кун ичида хўжаликнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши лозим эди. Лекин улар ўз лабзларида туришмади. Хўжалик раҳбари М.Халилов жамият раиси Ф.Қулиев ва бош ҳисобчи Б.Норжигитовларга мурожаат қилиб, пулни талаб қилганида, улар маҳсулот учун ҳали пул берилмаганлигини, пул берилгандан сўнг тўлиқ ҳисоб-китоб қилишларини рўкач қилишди. Бунинг оқибатида "Халил ота" фермер хўжалик раҳбари 2001 йил ҳосили учун ерга ишлов беришни кечиктиришга мажбур бўлди. Хўжалик 150000 сўмлик моддий зарар кўрибгина қолмасдан, 50000 сўмлик маънавий зарар ҳам кўрди.

М.Халилов пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ва хўжалиги оралиғида бўзчининг мокисидек қатнайвериб, тинкаси қуриди. Аммо на пулини олди, на хўжалигида бирор иш қилди. Охир-оқибат эса Сирдарё вилоят адлия бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бошқарма бу можарони атрофлича ўрганиб ҳал қилиб беришликни Боёвут туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига топширди. Суд икки томоннинг даъво ва важларини ўрганиб, шундай ҳал қилув қарорини чиқарди: қонуний шартномани писанд қилмай, вақтида тўловни амалга оширишни пайсалга солиб келгани, хўжаликка моддий ва маънавий зарар етказгани учун Гулистон шаҳар пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти "Халил ота" фермер хўжалиги ҳисобига 2752900 сўм ўтказадиган бўлди.

Ҳар нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши. Акс ҳолда фойда кўраман деб, бутунлай зарарга ботиб қолиш ҳеч гап эмас. Лабзида турмаслик эса нафақат борбуди ва нақдидан айрилишга, балки бундан ҳам аянчли оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Эгамберди СУЮНОВ,
журналист

БИЗ БИЛМАГАН ХАЗИНА

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилида Носир ака "Яхши ният" кичик корхонасини ташкил этганди. Касби қурувчи инженер бўлган бу йигит бошқаларга ўхшаб ўзини савдога ёки бошқа осонроқ пул топиш йўлига урмади. Аксинча, ўзининг билим ва тажрибасига суяниб, сизу биз эътибор қилмаган хазинани ўйлаб топди. Тадбиркор маиший ва маҳаллий чиқиндиларни йиғиштириб халқ хўжалигининг турли соҳалари учун тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Носир Усвалиев ўн йиллик тинимсиз изланишлари натижасида ўзининг кичкинагина лабораториясида чиқинди-ахлатлардан тайёрланган органик ўғитларни ташландиқ ерларга солиш натижасида буғдойдан 70-80 центнердан ҳосил олишга эришди. Бундан ташқари сифатли, арзон трубалар, иссиқликни йўқотмаслик ва ташқи муҳитдан сақлаш учун ишлатиладиган материалларини тайёрлади.

Агар республикамизда пахта ҳосилдорлиги ўртача 30 центнердан деб олсак, бу органик ўғитларни қўллаш натижасида ҳосилдорликни икки баравар ошириш мумкин. Бу ўғитлар билан тўйинган тупроқда унумдорлик ортиши билан бирга, ҳозирги вақтдаги сув танқислиги муаммоси ҳам бархам топиши мумкин. Чунки узоқ вақт намликнинг сақланиши сувнинг тежалишини таъминлайди.

Энг муҳими, халқимиз экологик тоза мева, сабзовот ва полиз маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятига эга бўлади.

Фарғона шаҳрида бир кечакундузда 369 тонна чиқинди тўпланади. Бир йилда эса...

Носир Усвалиевнинг технологияси бўйича чиқиндиларни қайта ишлайдиган мажмуа шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланди. Фақатгина Фарғона шаҳридаги чиқинди-ахлатлар бир йилда 3 минг гектардан кўпроқ ерни эррозиядан сақлаши мумкин.

— Кўнглидаги режалар амалга ошса, кўчаларимизда бир қатра ҳам ахлат қолмайди, — дейди Носир Усвалиев. — Аҳолидан олинган чиқиндиларни келишилган нархда пул ёки озиқ-овқат маҳсулотларига айирбошлайман. Натижада одамлар чиқиндиларни истаган жойларига ташлаб юбормайди. Ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизга бирор кило бошқа нарса четдан келтирилмайди. Шунинг учун ҳам таннархи арзон, фойдаси эса юқори бўлади.

Ўн йилдан ортиқ изланишдан Н.Усвалиев ўзига ишонч ҳосил қилгандан кейингина раҳбарларга фикрини билдирди. Илмий кенгашлар чақириб, маҳсулотларини кўрсатди. Лекин уни қўллаб-қувватловчилар ҳали топилганича йўқ. Сабаби, бу ишни юргизиш учун камида 200 миллион кредит ажратиш зарур экан. Носир аканинг ўйлаган режалари амалга ошса, бу хайрли ишни биргина Фарғонада эмас, республикамиз бўйлаб татбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.

Эрдавлат ОДИЛОВ,
Фарғона вилояти

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ: ЎЗБЕК МОДЕЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлик марказий аппарати таркибида (2000 йилнинг сентябрь ойида) Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ташкил этилиб, унинг зиммасига Республика қонунчилигини туркумлаш ва жамиятда ҳуқуқий ахборотларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш вазифаси топширилди. Ушбу бошқарма томонидан мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш ва республика қонунчилигининг ягона фондини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча меъёрий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш йўлга қўйилди. Шунингдек, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари йиғилиб, уларнинг фонди ташкил қилинди. Айни пайтда қонунчилик соҳалари умумҳуқуқий классификаторини қайта ишлаш, амалдаги барча қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Хорижий давлатлар билан қонун ҳужжатлари расмий нашрларини алмашиш йўлга қўйилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлардан кенг фойдаланишни таъминлаш борасида муайян ишлар қилинди. Жумладан, 2000 йилнинг 2-ярмидан бошлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий даврий нашри ҳисобланган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" (ҳар ойда икки марта) ни нашр қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, вазирлик томонидан (Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашри — "Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси" (ҳар ойда икки марта) чоп этилмоқда. Шу кунга қадар ушбу тўпламнинг 62 та сони нашрдан чиқди.

Вазирлик ҳузурида хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (электрон базаси) ни яратиш ишлари олиб бориляпти.

Вазирлик марказий аппарати таркибида (1998 йилнинг апрель ойидан) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилган бўлиб, шартномавий муносабатларни тартибга солиш борасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома маданиятини ошириш орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган фаолият амалга оширилмоқда. Мазкур бошқарма ва унинг жойлардаги худудий бўлимлари томонидан семинарлар, ўқув машғулотлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Масалан, 2001 йилнинг 1-чорагида 181 та семинар, 238 соат ўқув машғулотлари ташкил этилди,

Шу йилнинг ўзида вазирлик томонидан республикамиздаги вазирлик ва уюшмалар тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва шартномавий муносабатлар бўйича масъул ходимлар иштирокида 8 марта семинар ўтказилган.

2000 йилда Адлия ҳамда Қишлоқ ва сув хўжаликлари вазирликлари томонидан "Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ички хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашга доир" тавсиялар тўплами нашр қилинди. Шунингдек, "Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила (жамоа) пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлимларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома тайёрланиб, жойларга тарқатилди.

2000 йилдан бошлаб ҳар бир туманда камида биттадан намунавий ширкат хўжалигини ташкил этиш ва мазкур ширкат хўжаликларида (ҳар ойда камида икки марта) шартнома интизомига тегишли масалалар юзасидан семинар йиғилишлар ўтказиш тажрибаси йўлга қўйилди. 2000 йил давомида 165 та намунавий ширкат ташкил қилиниб, уларда шартномавий муносабатлар бўйича семинарлар ўтказилди. 2001 йилдан бошлаб бу тажрибани фермер хўжаликларга нисбатан ҳам қўллашга киришилди.

Мактаблар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқий маданият мавзусида суҳбат, давра суҳбатлари, кечалар ўтказилмоқда. ФХДЁ ва никоҳ уйлари ходимларининг "Энг ибратли ходима" кўрик-танлови республика умумтаълим мактабларида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Туман (шаҳар) судларининг судьялари ҳамда адлия идораларини ходимлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанидан олиб борилаётган машғулотларда иштирок этиб, бевосита ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари ўтказишмоқда.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда мактаб директорлари ҳамда давлат ва ҳуқуқ фани ўқитувчилари учун махсус ўқишлар ташкил қилди. Ушбу ўқишлар доирасида Конституцияни ўрганиш бўйича намунавий дарслар ўтказиш йўлга қўйилди.

Туман (шаҳар) судлари судьялари томонидан жойларда сайёр суд мажлислари ўтказиш анъанага айланиб боряпти. Масалан, ўтган йили биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 341 та сайёр суд мажлиси ўтказилган.

Вазирликнинг қуйи идоралари ходимлари нотариал ҳаракатларни тасдиқлаш тартиблари, оилавий муносабатлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва улар фаолиятидаги муаммолар тўғрисида диний ташкилотлар, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳаллаларда суҳбат, учрашув ва тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан мустақиллик ғоясининг моҳияти ва мазмунини чуқур очиб берувчи ҳуқуқий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, рисолалар нашр қилинди. Ҳуқуқий мавзуга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби тадбирлар фуқароларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, ижтимоий фаоллигини кучайтиришга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар, аввало, фуқароларнинг ўз қадр-қимматини тўла англаши ва айни пайтда бошқаларнинг ҳам шахсиятини ҳурмат қилиш ҳиссини кучайтириш, фуқароларнинг жамиятдаги нуфузи, шаънини кўтариш, инсон омилини оширишга йўналтирилган.

Хусан ИБРОҲИМОВ

Талаба мулоҳаза юритади

ОМБУДСМАН: ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ЯНА БИР КАФОЛАТИ

Бош қомусимизнинг 44-моддасида белгиланишича, ҳар бир шахс давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур модда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва кафолатлари биринчи йўрингга кўтарилган давлатимиз қонунчилигининг тамойилларидан биридир. Бунда фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида суд ҳокимияти назарда тутилади. Лекин бу масалада суд ҳокимяти ёлғиз эмас.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, улар кафолатини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) лавозими жорий этилди. Мазкур институт республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи қатор институтлар (Олий Мажлис ҳузуридаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази, Ижтимоий фикрни ўрганиш маркази ва бошқалар) орасида алоҳида ўрин тутади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига — алоҳида фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳамда барча давлат органлари ва уларнинг вакиллари устидан кенг миқёсда Парламент назоратини ошириш учун парламент томонидан ваколат берилган, мустақил, фуқаролар ишончига сазовор бўлган шахсдир. У ўз фаолиятида бевосита Олий Мажлисга бўйсунади. Ва шу тариқа Парламент билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда ўзига хос вакиллик вазифасини бажаради. Омбудсманга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг (депутат сифатида) берилиши эса қабул қилинажак қонунларда халқ иродасининг, улар муаммолари ечимларининг акс эттириш имкониятларини янада кенгайтиради. Омбудсманлик институтининг мазкур хусусияти унинг айрим давлатларда "медиатор", яъни воситачи, (ўртада турувчи) деб номланишининг сабабини тушунтиради.

Ўзбекистон Республикасининг **"Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"**ги қонунига кўра, вакил ўз фаолиятида қонунийлик, адолатлилик, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик каби тамойилларга таянади. Фуқароларнинг омбудсманга мурожаатларидан ҳеч қандай давлат божи ва тўловларнинг ундирилмаслиги охирги тамойилнинг ҳаётийлигининг далилидир.

Умуман олганда, давлат ҳокимиятида бундай лавозимнинг мавжудлиги давлат органлари, уларнинг вакиллари, мансабдор шахсларинг ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга мажбур этади ва шу билан бирга, жамиятда демократик тамойилларнинг шаклланишини таъминловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисига қулайлик туғдириш мақсадида жойларда, яъни вилоятларда Ўзбекистон Республикаси омбудсмани вакилларининг фуқароларни қабул қилиш фаолиятини юритишлари масаласи кўрилмоқда.

Бу борада хулосам қисқа — нимаики қилинаётган бўлса, барчаси халқ фаровонлигини кўзлаб амалга оширилмоқда.

Нодира ЖАМАЛИЕВА,
ТДЮИ 3-курс 2-ҳуқуқ талабаси

НОТАРИУС — МУҲРДОР ДЕГАНИМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўриниб турганидек, нотариус ҳар томонлама етук, ҳар лаҳзада инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи, алоҳида олинган ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини жой-жойига қўювчи, фуқароларнинг мулкий ва бошқа муносабатларини қонун талаблари асосида бошқариб борувчи мукаммал ҳуқуқий шахс ҳисобланади.

Энди саволнинг иккинчи қисмига ўтсак: ҳа, нотариус томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари, бошқача қилиб айтганда, нотариуслар амалга оширадиган нотариал ҳаракатлар аниқ белгиланган. Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатлар рўйхати **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонуннинг 23-моддасида бирма-бир қайд этилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) Битимларни тасдиқлайди;
2) васиятномаларни тасдиқлайди;
3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;
5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги актини тасдиқлайди;
13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;
16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
19) ижро хатларини ёзади.

Шу билан бирга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг ҳаракатлар рўйхати Қонуннинг 24-моддасида баъзи истисноларбилан белгилаб қўйилган.

Ҳозир мамлакатимизда нотариал амалиёт билан шуғулланаётган 470 та давлат идоралари нотариуси ва 106 та хусусий идора нотариуслари фаолият кўрсатмоқда. Уларда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар ягона қонун асосида бўлиб, иккови ҳам бир хил юридик кучга эга.

Аслини олганда, хусусий нотариус хизмати жаҳон амалиёти учун янгилик эмас. Собиқ иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган мустақил давлатлар учун бу янгилик саналади. Тўғри, хусусий нотариал идораларнинг кўпайиб бораётганлиги ўз навбатида айрим ташкилий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, турли идоравий муносабатлар, маъмурий ахборотларни марказлашган тарзда бошқариш, адлия тизими фаолиятининг яхлитлигини таъминлаш, умумий мақсад-вазифаларни мувофиқлаштириб бориш ва бошқа шу кабиларни олайлик. Давлат нотариал идораларида бу вазифалар адлия бошқармаларининг зиммасида. Хусусий нотариусларнинг бу муаммолари билан уларнинг ихтиёрий уюшмаси — хусусий нотариуслар Палатаси шуғулланади. Ҳозирча бундай Палата фақат икки жойда (Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятида) ишламоқда. **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ хусусий нотариуслар сони 10 тадан ошган вилоятда худди шундай Палата иш бошлаши мумкин. Ушбу Палаталар ҳукуматга тегишли бўлган муассасаларда, корхона-ю, бошқармаларда, маҳкама-ю, вазирликларда хусусий нотариуслар манфаатини ифода этади, уларнинг ижтимоий ва касбий ҳуқуқларини ҳимоя қилади, узлуксиз малака оширишларини, ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини амалга оширади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда нотариал хизматнинг хусусий шаклига ўтиши истиқболли ҳаракат ҳисобланади. Ҳуқуқий хизмат соҳасида тадбиркорликнинг илғор шакли сифатида бу фаолият ҳам давлат томонидан рағбатлантирилмоқда. Зеро, ўз ишидан манфаатдорлик омили нотариусдан хизмат сифатини ошириш, ўз устида ишлаш, мижоз билан яхши муомалада бўлиш, аниқ ва тезкор фаолият олиб бориш каби муҳим талабларни бажаришни тақозо этади. Натижа эса аниқ: мижоз ҳам, нотариус ҳам ўзаро муносабатлардан мамнун бўлишади.

Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,
"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси...

Оталар дейдики:

Кимгаки ақлу идрок насиб этган бўлса, демак, у омадлидир.

* * *

Инсон хатони ўз тили билан содир қилади.

* * *

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларидаёқ билинади.

* * *

Кишилар ўртасидаги низо ва муаммолар хусусида тўғри фикр берадиган ва одилона ҳукм чиқарадиганлар яхши одамлардир.

* * *

Ҳар бир нарсанинг ўз авжи бор. Омади келган киши ўзини тўғри тутиб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабода шуҳратпарастлик ва манмансирашга ўтса, уни мукаммал одам ҳисобламанглар.

* * *

Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, бехосдан қиёмат-қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз, уни экиб қўяверинг.

"ИНТЕРПОЛ"

Шаҳзоданинг саройига ўғри тушмаганида, бу халқаро ташкилот тузилмасмиди?

Бугунги кунда дунёдаги 160 га яқин давлатнинг полиция кучларини ўзида бирлаштирган, халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг ҳамиша марказида турадиган, фақат аввал бошда ҳам, айни дамда ҳам ўта махфий тарзда иш олиб борадиган, ўз фаолиятига дахлдор ҳар бир саъй-ҳаракатни қаттиқ сир сақлайдиган "Интерпол" ташкилоти ҳақида фикр юритганда, шундай табиий савол туғилади: хўш, "Интерпол" ташкилоти ким томонидан, қачон ташкил топган? Унинг юзага келишига қандай ҳаётий эҳтиёж сабаб бўлган?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин ўтган асрнинг бошларида дунё миқёсида кечаётган мураккаб жараёнларга, хусусан, жиноятчилик оламига назар ташласак, кўп нарса ўз-ўзидан ойдин бўлади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб темир йўл ва буғ двигателининг кашф этилиши сайру саёҳатга иштиёқманд саргузаштталаб кимсаларга қанчалик кенг имконият эшигини очиб берган бўлса, жиноятчиларга ҳам шунчалик қулай имконият туғдириб берди.

1893 йил Берлин университети профессори Франц фон Лист **"Ҳуқуқий қоидалар"** дарслиги муқаддимасида ёзган қайдлар ҳам бу фикримизни исботлайди. **"Биз шундай бир даврда яшаяпмизки,** — деб ёзади профессор Франц фон Лист, - **устаси фаранг ўғри ёки товламачи Парижда ҳам, Вена ёки Лондонда ҳам ўз уйида юргандек бемалол юрибди. Бундай тоифадаги кимсалар Франция ёки Англияда қалбаки пул ясаб жиноятга қўл урар экан, бирон-бир хавф-хатар туғилганда, Германияга жуфтакни ростлаб қолишади. Жиноятчи тўда бирваракайига бир неча мамлакатда жиноятга қўл уради".**

Бунинг устига дунёда ҳали аэроплан кашф этилмаган, аммо бунга қарамай, жиноятчи тўдалар ўз нопок мақсадлари илинжида дунё бўйлаб тиним билмай изғиб юрарди.

Иккинчи томондан, мамлакатлар ўртасида ҳали паспорт ва виза тартиби жорий этилмаган, чегара ҳам номига ўрнатилган, у жиноятчилар йўлини тўсадиган мустаҳкам тўсиқ вазифасини ўтай олмасди. Буларнинг бари халқаро жиноятчиликнинг урчиши, оғир жиноятга қўл урган кимсаларнинг жазоланмай қолишига олиб келган.

Албатта, жиноятчиликка қарши фақат ҳар бир давлатнинг полицияси кураш олиб борар, аммо унинг ҳам имконияти чекланган, жумладан, улар фақат ўз мамлакати ҳудудида фаол ҳаракат олиб бориш ҳуқуқига эга эди. Айтайлик, Буюк Британияда оғир жиноятга қўл уриб, жуфтакни ростлаган жиноятчини Франция полицияси ҳибсга олишга ҳаққи йўқ эди. Ёки аксинча вазиятда ҳам шундай ҳолат такрорланарди.

Бундай оғир вазият табиийки, дунёдаги соғлом кучларни бирлашишга, жиноятчиликка қарши якдиллик билан курашишга ундаган.

Дунё миқёсида занжирсимон боғланиб кетган жиноятчиликка қарши фаол курашадиган халқаро ташкилотни тузиш ғояси ана шу тариқа юзага келган, дейиш мумкин. Аниқроқ айтганда, тобора илдиз отиб бораётган жиноятчиликнинг ўзи шундай йўл тутишни тақозо этган.

Энг қизиқ томони шундаки, бу ғояни биринчи бўлиб, полиция ходими эмас, балки Монако давлати шаҳзодаси Альберт-I илгари сурган. Полиция ишидан анча йироқ бўлган шаҳзоданинг бундай ишга бош қўшиши кишини ажаблантиради, албатта. Бироқ бунинг ҳам ўзига хос сабаблари йўқ эмас. Жумладан, ёзувчи Франсуа Бовалнинг ёзишича, шаҳзода Альберт-I немис миллатига мансуб бенаҳоя жозибали бир қиз билан ишқий муносабатда бўлади. Немис қизи шаҳзоданинг саройига бир неча марта қоровулларнинг кўзини шамғалат қилиб, яширин йўл орқали киради. Шаҳзода ҳам унга бутун иноннихтиёрини топшириб қўяди. Бир кун шаҳзода у билан боғда ўтирганда, ҳийлагар қизнинг ҳаммаслаги Альберт-I нинг саройига кириб, энг қимматбаҳо бойликларини ўмариб кетади. Кейин ўғри немис қизи билан бирга Монако ҳудудидан чиқиб, Италияга бориб яширинади. Шаҳзода Альберт-I ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бари бир, ўғриларни қўлга тушира олмайди. Бунга Италиянинг ўша пайтдаги қонунлари йўл бермайди.

Бу воқеа ҳақиқатга нечоғлик яқин ёки узоқ эканлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Лекин айнан Монако шаҳзодаси Альберт-I 1914 йил дунёдаги етакчи юрист, полиция зобитлари ва адвокатларини Монакога, **"Жиноятчиликка қарши кураш полициясининг биринчи Конгресси"** тақдимотига таклиф этади.

Мазкур Конгрессга 24 та давлатдан 188 нафар (уларнинг 3 нафари аёллар) ташриф буюради. Улар орасида Франция, Бельгия, Буюк Британия, Дания, Германия, Италия сингари йирик давлатлар вакиллари бор эди.

Ўша даврда Конгресс катта муваффақият қозонган. Вакиллар олти кун (14-20 апрел) мобайнида Париж университети юридик факультетининг декани раислигида халқаро жиноятчиликка қарши кураш мавзусида қизғин баҳс-мунозаралар олиб боришган.

Энг муҳими, Конгрессда халқаро жиноятчиликнинг ҳисобини қайд этиб борадиган марказлашган ташкилот тузиш тўғрисида мурожаат қабул қилинган.

Шу билан бирга Конгрессда ўн етти йил муқаддам поляк олими томонидан кашф этилган эксперанто тили билан бирга француз тили ҳам халқаро сўзлашув тили сифатида қабул қилинган.

Конгресс вакиллари 1916 йил август ойида Руминия пойтахти Бухарестда иккинчи Конгрессни чақириш тўғрисида келишиб олишган.

Дунё миқёсида жиноятчиликка қарши курашадиган халқаро ташкилотни тузиш йўлидаги биринчи уриниш ана шундан иборат. Аммо орадан кўп ўтмай биринчи жаҳон урушининг бошланиши бу борадаги барча саъй-ҳаракатларга табу қўйган.

***

Биринчи жаҳон уруши Европа ҳаётида жуда аянчли из қолдириб ўтди. Бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий таназзулга юз тутиши, ишлаб чиқариш буткул издан чиққани Европа ҳаётини боши берк кўчага олиб кириб қўйганди. Ишсизлик, очлик ва қашшоқликнинг авж олиши одамларни ҳар қандай йўл билан яшашга мажбур қиларди.

Бундай носоғлом муҳит энг аввало, жиноятчиликнинг янгиянги кўринишларини келтириб чиқарарди. Айниқса, қалбаки пул ясаш шунчалик авж олиб кетгандики, киши ҳар қадамда алданиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Иккинчи томондан, урушда мағлуб бўлган Австрия-Венгрия империясининг майда-майда бўлакларга бўлиниб кетиши ва унинг ўрнида пайдо бўлган кичик-кичик давлатларда қонун устуворлиги мутлақо таъминланмаганлиги ҳам халқаро жиноятчилар учун қўл келарди.

Европа миқёсида юзага келган бундай носоғлом вазиятни ҳаммадан кўра Австрия ва айни пайтда Вена шаҳри полициясининг бошлиғи саналган доктор Иоганн Шобер чуқур ҳис этарди.

Аслини айтганда, доктор Иоганн Шобер табиатан мулоҳазали, узоқни кўра оладиган киши эди. 1921-22 йилларда у Австрия канцлери лавозимини ҳам бошқарган, унинг номи тенги йўқ полициячи ва тенги йўқ сиёсатчи сифатида нафақат ўз мамлакатида, балки Европада ҳам эътироф этиларди.

Иоганн Шобер Австрия канцлери лавозимидан яна давлат ва Вена полицияси бошлиқлигига тайинлангач, бир пайтлар Монако шаҳзодаси Альберт-I ғоясини сурган ғояни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлади. Фақат халқаро жиноятчиликка қарши кураш ташкилоти Монакода эмас, балки Вена шаҳрида ташкил топиши шарт эди. Иоганн Шобер бу ишга қўл урар экан, аввало, биринчи жаҳон урушида мағлуб сифатида қадр-қиммати топталган Ватанининг обрўй-эътиборини яна кўтариш, мавқеини оширишни кўзлаган эди. У фурсатни қўлдан бермай, дунёдаги барча мамлакатларнинг полиция бошлиқларига халқаро жиноятчиликка қарши кураш полициясининг иккинчи Конгрессига таклиф этиб, 300 дан зиёд таклифнома жўнатади. Иккинчи халқаро Конгресс 1923 йил Вена шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган эди. Иоганн Шобер ўзи кўтариб чиққан ташаббусининг қадр-қийматини ошириш мақсадида 1-конгресс фахрийси, дрезденлик полиция маслаҳатчиси Роберт Хайндлнинг имзосини ҳам таклифномага туширишга муваффақ бўлади.

Иоганн Шобер қатъият билан иш олиб боради. 1923 йил 3 сентябрда Вена шаҳрида турли мамлакатлардан ташриф буюрган полиция вакилларини тўплашга муваффақ бўлди. Бахтга қарши Конгрессга ташриф буюрган 138 нафар вакилнинг фақат 67 нафари чет элдан келган эди. Чунки ўша пайтда полициянинг моддий таъминоти жуда ночор аҳволда эди. Аммо Иоганн Шобер вакилларнинг сонини зарур кўрсатгичга етказиш учун 71 нафар ҳамюртини ҳам Конгресс вакили сифатида рўйхатдан ўтказди. Аслида Конгрессга дунёнинг 17 мамлакатидан вакиллар ташриф буюрган эди.

Фақат Конгрессга Буюк Британия полицияси вакиллари иштирок этмайди. Австриянинг қутилмаганда ўзбошимчалик билан бутун дунё полицияси Конгрессини ташкил этилиши Буюк Британия поилциясининг иззат-нафсига теккан, чунки улар оламда ўзларини тенги йўқ деб санашар, қандайдир кичкина давлатлар вакиллари билан бир стол атрофида ўтириб, музокара олиб боришни ўзларига эп кўришмасди.

Аммо бунга қарамай, Конгресс катта шухрат қозонди. Полиция вакиллари беш кун давом этган қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, ниҳоят, жаҳон амалиётида биринчи марта халқаро полиция ташкилоти МККП ва унинг Венада доимий фаолият олиб борадиган Халқаро бюросига асос солишди. Конгрессда мазкур халқаро ташкилотнинг Бош ассамблеяси ҳар йил Европа давлатларининг бири пойтахтида ўтказилиб турилиши қайд этилди.

Конгрессда "Интерпол"нинг биринчи президенти этиб Иоганн Шобер сайланди.

Мазкур халқаро ташкилот 1946 йилга келиб, ҳозирги номи "Интерпол" деб атала бошлаган.

1925 йилга келиб эса, "Интерпол"нинг биринчи нашри "Халқаро жамоатчилик хавфсизлиги" **журнали ҳар икки ойда бир марта немис, инглиз, итальян, француз тилларида чоп этила бошлади. Ушбу журнал нашрининг йўлга қўйилиши мамлакатлар ўртасида ахборот алмашинувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.**

"Интерпол" халқаро ташкилотига ана шу тариқа асос солинган.

Сардорбек СОДИҚОВ,
Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Мен яқинда Хоразм вилояти Гурлан тумани ҳокимининг 2001 йил 6 апрелдаги 157-сонли қарори билан "Намуна" ширкат хўжалиги балансида бўлган ер участкасини "Боғдорчиликка ихтисослашган" фермер хўжалигини юритиш учун 25 йил муддатга ижарага олдим. Шу муносабат билан янги фермер бўлганлигим учун менинг бир нечта саволларим бор эди.

1. Фермернинг туман деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллигига аъзо бўлиши мажбурийми?

— Амалдаги қонунчилигимизда фермер хўжаликларининг туман деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллигига аъзо бўлиши мажбурий эмас. Лекин ҳамкорликда фаолият олиб боришнинг афзалликларини ҳисобга олганда, бу вакилликка аъзо бўлсангиз ютқазмайсиз.

2. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги боғда оралиқ экин эккан тақдирда, масалан, буғдой экса, шу буғдойнинг 50 фоизини деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллигига килограммини 33 сўмдан топширишга мажбурми?

— Агар фермер хўжалиги ерни ижарага берган ширкат хўжалиги билан тузган ижара шартномасида бундай ҳолат назарда тутилмаган бўлса, фермер буғдойни ҳеч кимга топширишга мажбур эмас.

3. Фермер иш ўрни очиш учун кредит олмоқчи бўлса, лекин унинг гаровга қўядиган машинаси, дўкони, корхонаси ёки бошқа мол-мулки бўлмаса, ер участкасини гаровга қўйиб, кредит олиши мумкинми?

— **"Ижара тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан, фермер ижарага олган ерини фақат ўзи фойдаланиши мумкин. Яъни ижарага олинган ер участкасини гаровга қўйиши, иккиламчи ижарага бериши, совға қилиши ёки бошқача шаклда тасарруф этиши мумкин эмас.

4. Фермернинг сувсизлик туфайли экин эколмай қолган ерларига давлат томонидан қандай имтиёзлар бор?

— Қонун ҳужжатларида сиз назарда тутган ҳолатларда давлат томонидан бирон бир имтиёз берилиши белгиланмаган.

Саволларга Адлия вазирлигининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси катта маслаҳатчиси С.ЗОКИРОВ жавоб берди.

ДАРЁ БЎЙИДА ЯШАБ...

Луқма

Бизнинг Тароғли қишлоғимиз аҳли Шеробод дарёсидан сув ичади. Кейинги йилларда об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида дарё суви тортилиб қолди. Тоза ичимлик суви муаммоси қишлоғимизда бош масалага айланди.

Тўғри, беш юздан ортиқ хўжалик истиқомат қилаётган қишлоғимиз оралаб, Хўжаи пок сув омборидан тортиб келинган улкан темир қувурда шаҳар аҳли учун тоза ичимлик суви оқиб ўтади, лекин ўн беш миллиметрлик труба ўрнатиш, қишлоқ аҳлини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини туманимиз раҳбарлари ҳал қилолмаяпти. Қишлоғимизни кесиб ўтган ариқда ҳам Шеробод дарёсидан келаётган сув бор, ичса бўлади. Аммо Тароғли қишлоғи чеккасида жойлашган юқумли касалликлар шифохонасини оралаб оқади ариқдаги сув. Ноилож ликдан истеъмол қилаётган оилаларда сариқ касалига чалинганлар кўпаймоқда. Айниқса, ёзнинг жазирамасида ёш болалар ариқ сувидан кўпроқ ичишади.

Шеробод канали ҳам қишлоғимиздан унча узоқ эмас, ўзимиз пул йиғиб, насос сотиб олиб, сув чиқарайлик, десак, бунга ҳам туман раҳбарлари рухсат беришмаяпти. Арзимизни кимга айтишни ҳам билмай қолдик.

Р. ТОШПЎЛАТОВ,
Х. СУЛАЙМОНОВ,
Шеробод тумани, Тароғли қишлоғи

Дунё қонунлари тарихи

3851 ЙИЛ БУРУНГИ СУД

ёхуд "индамас хотин иши"

Аёл эрининг қотиллар томонидан ўлдирилганлигини биларди, аммо бу жиноят ҳақида қонунни ҳимоя қилувчи идораларга хабар бермади...

Бу ҳақда америкалик олим Сэмюэл Ной Крамер ўзининг "Тарих Шумердан бошланади" китобида маълумот беради.

Эрамиздан аввалги 1850 йилларда Шумер мамлакатида қотиллик содир этилади. Уч киши: сартарош, боғбон ва касби кори айтилмаган яна бир эркак — Лу Инанна исмли ибодатхона амалдорини ўлдиришган. Сўнгра қандайдир номаълум сабаб туфайли жиноятчилар амалдорнинг хотини Нин-дадага эри ўлдирилганлигини хабар қилишади. Шуниси қизиқки, аёл бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демасликни маъқул кўрган ва ҳатто ҳукуматга ҳам арз қилмаган.

Бироқ юксак даражада ривожланган Шумердек давлатда ўша пайтларгача адолатнинг қўллари ҳар қандай ҳолатда ҳам жуда узун бўлган. Қароргоҳи Исин шаҳрида жойлашган подшоҳ Ур-Нинурте бу жиноятдан хабар топади. У Олий суд вазифасини бажарувчи Ниппур шаҳри фуқаролари кенгашига бу ишни ҳал қилиш ҳақида амру фармон беради.

Йиғилишда тўққиз киши айбланувчиларни жазолашни талаб қилиб чиқишади. Улар фақат уч нафар қотилнигина эмас, балки жабрланувчининг хотинини ҳам жазолаш лозимлигини айтишарди. Қотилликни била туриб индамаган аёлнинг хатти-ҳаракатини улар содир этилган мазкур жиноят иштирокчиси сифатида баҳолашади.

Аммо кенгашнинг икки аъзоси айбланувчи аёлни ҳимоя қилади. Улар аёлнинг қотилликда иштирок этмаганини, шунинг учун жазога лойиқ эмаслигини исботлашади.

Кенгаш аъзолари оқловчилар хулосасини тасдиқлашади. Ўлдирилган одамнинг хотини сукут сақлашга асоси бор эди, дейишади улар. Чунки эр хотини олдидаги бурчини бажармаган, яъни хотинини яшаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминламаган. Суд қарори "ҳақиқий қотилларни жазолаш етарли", деган сўзлар билан якунланади. Шундай қилиб, фақат уч эркак жазоланган.

Ушбу жиноий жараён ҳақидаги ҳисобот лойкитобда шумер тилида ёзилган. Бу лойкитоб Чикаго университетининг Шарқ институти ва Пенсилвания университети музейи ҳамкорликда ўтказган археологик қазишмалар пайтида топилган. Т.Якобсин ва **"Тарих Шумердан бошланади"** китоби муаллифи Сэмюэл Н.Крамер бу матнни ўрганишган ва инглиз тилига таржима қилишган. Крамернинг таъкидлашича, баъзи сўз ва сўз бирикмалари маъноси унчалик тушунарли эмас, аммо матннинг умумий мазмунини англаш мумкин. Турбурчак лойкитобнинг бир чети учган. Аммо олимлар Пенсилвания университети музейининг биринчи экспедициясида топилган худди шу матннинг бошқа нусхасига солиштириб, лойкитобда етишмаган сўзларни тиклашган. Бу фақат шуни кўрсатадики, битта суд ҳисоботининг иккита нусхаси олимлар қўлига тушган. Демак, дея ўз фикрини давом эттирди Крамер, Ниппур фуқаролар кенгашининг "индамас хотин" иши ҳақидаги суд қарори шумерлик барча юристларга яхши маълум бўлган ва ҳужжат сифатида АҚШ Олий судининг бугунги қароридек юридик прецедент кучига эга бўлган.

Мана ўша ҳужжат:

"Нана-сиг, Лу-син ўғли; Ку-Энлил, Ку-Нанни ўғли—сартарош ва Энлиль-эннам, — Адда-калли қули, боғбон ибодатхона хизматчиси Лу-Иннана Лугал — апминду ўғлини ўлдирган".

Лу-Инанна Лугал — апминду ўғли ўлдиргандан сўнг жиноятчилар Лу-Иннаннанинг хотини Индада Лу-Нинурма қизига эри Лу-Иннаннани ўлдиришганини айтишган. Нини-дада Лу-Нинурти қизи бу ҳақда оғиз очмаган ва тилини маҳкам тишлаб юрган.

Бу иш ҳақида (ўшанда) Исин (шаҳри) подшосига ахборот беришган, подшоҳ Ур-Нинурта бу ишни кўриб чиқиш ҳақида Ниппура кенгашига амр қилди.

(У ерда) Ур-Гула Лугал ўғли... дуду қушчи; Али-эллати, мижоз; Бузу Ау-Син ўғли; Элути - Эа ўғли; Шеш калла, ҳаммол (?); Лугаль-Кан, боғбон; Лугал-азида Син-андула ўғли; (ва) Шеш-калла - Шара ўғли (кенгашга қараб) шундай сўзлар билан мурожаат қилишди.

— Одам ўлдирганлар яшашга ҳақли эмас. Бу уч эркак ва бу аёл Лу-Иннанна Лугал-апминду хизмат қиладиган ибодатхона меҳроби олдида ўлдирилиши шарт.

(Шунда) Шу...-Лилум... Нинурта хизматчиси, (ва) Убарсин, боғбон (кенгашга) қараб мурожаат этиб, шундай дейишди:

— Майли, нин-дада Лу-Нинурши қизининг эри ўлдирилган бўлсин, (аммо) аёл ўлим жазосига ҳукм этилишга лойиқ қандай иш (?) қилган?

(Шунда) Ниппура кенгаши (аъзолари) уларга мурожаат қилишди ва айтишди:

— Эри таъминламайдиган аёл ўз эрининг душманларини таниган ва эри ўлдирилган тақдирда ҳам, эрининг ўлдирилганлигини билганда ҳам бу ҳақда нима учун индамай юрмаслиги керак (?) Ахир, унинг ўзи эрини ўлдирмаган-ку? Ҳақиқий қотиллар ким бўлса, ўшаларни жазолаш етарли".

Ниппура кенгаши қарорига биноан Нанна-Сиг Лу-син ўғли, сартарош Ку-Энлил Ку-Нанни ўғли, боғбон, Адда-калла қули Энлил-эннам ўлим жазоси ижро этилиши учун (жаллодга) топширилди.

(Мазкур) иш Ниппура кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Сэмюэл Крамер ва Т.Якобсин матнни шу тарзда таржима қилганларидан сўнг айнан шундай воқеа юз берган тақдирда, ҳозирги замон судининг қарори қандай бўлишига қизиқишади. Матн таржимасини Пенсилвания университети ҳуқуқшунослик факультети декани Оуэн Ж.Робертсга жўнатишади. Робертс 1930-1945 йиллар мобайнида АҚШ Олий суди аъзоси бўлган. Робертс ҳозирги замон судьялари қадимги Шумер судьялари ишини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ва бу иш юзасидан худди шундай қарор қабул қилишган бўлар эди, деб жавоб қайтаради. Мана, Робертснинг ёзма тарздаги жавоби:

"Бизнинг қонунларимизга кўра, бу аёл содир этилган жиноятга шерик бўлган шахс сифатида эътироф этилмайди. Жиноят содир этилгандан сўнг фақатгина мазкур жиноятдан хабардор бўлган шахсларни эмас, балки жиноятда бевосита иштирок этган, жиноятчини яширган ёки унга у ёки бу тарзда ёрдам берган шахсларнигина жиноятга шерик бўлган, деб ҳисоблаш мумкин".

Рустам МУСУРМОН,
Отабек НУРИДДИНОВ
тайёрлашди

Бугуннинг мушоҳадаси

«ҚОРА ТУЙНУК» ҚИЛМИШИ

Ҳаётга "туйнук" орқали боқманг!

Сирдарё вилоятида мўъжазгина Ширин шаҳарчаси бор. Мана шу шаҳарчада уч нафар ўсмир эртакдагидек "уч оғайни ботир" ларга айланишди. Уч ўртоқ бекор ўтиришни ўзларига эп кўрмай, антиқа "қаҳрамонлик"ка жазм этишди.

Улар шаҳарчадаги уйлар устидан ўтказилган турли алоқа кабелларини кесиб олиб, ундаги рангли металл парчаларини пуллаш режасини ишлаб чиқишди. Ниҳоят, ўтган йилнинг 21 октябрь куни шаҳарчадаги 6-уйнинг томига туйнук орқали чиқиб, 154 метр узунликдаги кабел симини узиб тушишди. Кейин "Сирдарётелеком" корхонасига тегишли 31362 сўмлик кабелнинг таркибидаги рангли метал парчалари Раъно Каримова деган "металчи" аёлга 13 минг сўмга бор-барака қилинди.

Дастлабки ов бароридан келгандан сўнг икки кун ўтиб яна "тун"ги саёҳатга чиқишди. Бу сафар нархи 34200 сўм бўлган 90 метрлик кабел қўлга киритилди. Уни ҳам бўлакларга бўлишиб, номаълум "металчи"га сотиб юборишди. Виталий, Комил ва Насим исмли "уч оғайни ботирлар" 27 октябрь куни тунда шу ердаги 5 ва 6 сонли боғчанинг томига чиқишиб 185 метр узунликдаги асосий тармоқ кабелни кесиб тушади ва уни ҳам майдалаб, арзон нархда сотиб юборишади. Шу тариқа улар "Сирдарётелеком" корхонасига тегишли бўлган яна 56790 сўмлик кабелни кесиб олишиб, пуллашди. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, бу қинғир ишнинг ҳам охири миси чиқди.

Судда Виталий Надельник, Комил Маҳкамов ва Насим Боировларнинг барча кирдикорлари фош этилди.

Улар жиноятларига яраша жазо олишди. Аммо кишини бошқа бир саволлар ўйлантириб қўяди. Хўш, мазкур воқеа нима сабабдан рўй берди? Нега ўсмир ёшидаги навқирон йигитчалар жиноятга қўл урди? Уларнинг ота-оналари болаларини кечаси қаёқларда юрганидан хабардор бўлмаганми?

Хуллас, саволлар бисёр. Виталий, Насим ва Комил бирон жойда ўқимаган ҳам, ишламаган ҳам. Охир-оқибат туйнук орқали томга чиқиб, ўғирлик қилишни танлаганлар. Яъни ҳаётга туйнук орқали разм солишган. Туйнук эса уларнинг келажак йўлига торлик қилди. Бир сўз билан айтганда, улар ота-она ва жамоачилик назаридан четда қолгани боис ана шундай машъум туйнукка қисилиб қолишди. Мазкур аянчли воқеани баён этишнинг аҳамияти шундаки, ҳаётга туйнук орқали қараётган ва ёки қараш арафасида турганлар сони қанча экан?

Озмикин? Жиллақурса, озаярмикин?

А. ЯХШИЛИҚОВ,
Сирдарё вилояти

ЭЪЛОНЛАР

Андижон вилояти Асака тумани ФХДЁ бўлимига тегишли бўлган 5 дона ишлатилмаган янги II-AN 0036164, II-AN 0036165, II-AN 0036166, II-AN 0036167, II-AN 0036355 рақамли туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома бланкалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Барча корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

Юқоридаги серия ва рақамлари кўрсатиб ўтилган гувоҳномалар тақдим қилинган тақдирда зудлик билан Андижон вилоят Адлия бошқармасига ёки жойлардаги ички ишлар бўлимларига хабар қилишингиз сўралади.

Навоий вилоят Адлия бошқармасининг 2001 йил 20 май куни 37 ум сонли буйруғига асосан Навоий шаҳар "Элита" адвокатлик фирмаси таъсисчиси Галямов Равиль Анваровичга Навоий вилоят Адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 28 август куни берилган NV 000020 сонли, 2001 йил 4 июл куни 41 ум сонли буйруғига асосан Навоий шаҳар "Джафарали" адвокатлик бюроси таъсисчиси Джаффаров Мавсум Мавсумвичга 1997 йил 28 август куни берилган NV 000022 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари бекор қилинди.

XXI аср: Ўзбекистон ёшлари



ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Инсон доим ёруғликка интилади. Орзу-ҳавас билан яшайди. Буюкликни ваъда қилувчи чўққиларга ошиқади. Ўзига эзгу тимсоллар излайди. Айниқса, ёшлар болаликданоқ ўзларига идеал қаҳрамонлар танлайдилар. Юракларига сиғмаган жўшқин-тошқин ҳис-туйғулари гулга кириб, мева беришини орзулайдилар. Ҳаётнинг долғали денгизларига умидбахш жилға бўлиб қўшилиш истагида улғаядилар...

Жамиятимиз ёшларнинг шижоати, ёрқин истеъдоди, гувиллаб сафга кираётган ёшларнинг навниҳол ижод самаралари билан бой-бадавлатдир...

Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислом Каримов ана шу боисдан ҳам ёшларга ўзгача меҳр, ишонч билан қарайди.

1999 йили — Аёллар йилида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши халқимизнинг маънавий-маърифий, ижтимоий ҳаётида қувончли воқеа бўлди.

Дунёга машҳур шоира, давлат ва жамоат арбоби, тинчлик ва дўстликнинг оташин қўйчиси Зулфия номи ҳар бир ўзбек хонадони учун азиз ва мукаррам бўлиб қолган. Унинг шахсияти, шеърияти, ижтимоий фаолияти ҳар бир ўзбек аёли учун эзгу тимсолга айлангани бежиз эмас. Унинг элга достон вафо-садоқати, букилмас иродаси, имон-эътиқоди бугунги ёшлар, айниқса қизларимиз учун ибрат мактабидир. Донишманд халқимиз эл-юртга умрини бахшида қилган азиз фарзандлари номини улуғлайди. Мана шундай ёруғ ниятлар, ёшларга умид ва ишонч, ихлос туйғуси барқ урган, ёшларни маънавий, моддий жиҳатдан рағбатлантирувчи Фармон бўлиб халқнинг шуурига, маданий ҳаётига кириб келди Зулфия номидаги Давлат мукофоти.

Давлат Низомига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда яшовчи 25 ёшгача бўлган ноёб истеъдодли, зукко, билимдон, ўқишда ва жамоат ишларида алоҳида кўрсаткичларга эришган қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлигига қўйиладилар. Уларнинг ишлари беш йўналиш — адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳалари бўйича туман, вилоят, республика комиссияларининг синчков нигоҳидан, имтиҳонидан ўтади. Ҳар йили энг истеъдодли ижодкор олима, шоира, адиба, санъатшунос, кутубхоначи, ҳунарманд, муассвир, дизайнчи қизларимиздан 14 нафари Зулфия мукофоти совриндорлари бўладилар.

2000 йили 14 нафар, 2001 йилнинг 8 Март байрами айёмида ҳам яна 14 нафар қизларимиз кўксида Зулфия сиймоси туширилган Давлат мукофоти нишони чарақлади. Улар юртимизда гуркираб ғунчадай очилаётган, илк нишона мева тугаётган ниҳоллардай қалбимизни шодлик, севинча чулғашди.

Бу мукофот ёшлар учун илҳомга, ижод, изланишга, қизғин мусобақага чорловчи даъват, меҳрибонлик рамзи бўлибгина қолмай, унутилмас устоз Зулфияхонимнинг иккинчи адабий умри, сўнмас шоншуҳратининг халқи юрагида қайта ёнган шуъласи ҳамдир. Ўзбекистонда етти ёшдан то камолат фаслига кирган қиз борки, бугун Зулфия деган ёруғ тимсолга интилиб, даврага, ижод майдонига чиқмоқда. Мактаб ва коллеж ўқувчилари, доирифунун талабалари, ўз соҳасининг илк пиллапоясида турган юзлаб қизлар юрагида шижоат, ғайрат, орзу чироқлари ёнди. 2001 йилда туман ва вилоят комиссияларига эса сараланиб, 140 та ҳужжат тушди. Ҳар бир ўрин учун 10 нафар қиз мусобақа, ижодий баҳсга кирдилар.

Энг қувончлиси шуки, мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижоди серқирра, ғоят ранг-баранглиги билан кишини ҳайратга солади. Айни пайтда улар ҳам шеър битади, расм чизади, сухандонлик салоҳияти бор, ёки зардўз, қўшиқчи, таэквандочи, тадбиркор; ё бўлмаса адиба, рассомликдан хабардор... Шахрисабзлик Гулҳаё Эргашева, сирдарёлик Нодира Қурбонова, сурхондарёлик Шоҳиста Маҳрамовалар шундай серқирра ижод соҳибаларидир.

Шоиралар Гулжамол Асқарова, Зебунисо Холмуродова, Гулноза Турғунбоевалар ижодидаги Ватан ва миллат тақдирига масъуллик, журъат, халқона оҳанглар, истиқлол нашидалари дилни умидларга тўлдиради.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг маънавий-маърифий қиймати билан бирга катта сиёсий мазмун-моҳияти ҳам борлигини таъкидлагим келади.

Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясида йилнинг тўрт фасли иш қизғин. Қўлига қалам олиб, тўрт сўзни қофиялаган қизини, неварасини етаклаб аёллар, бувижонлар, отаоналар серқатнов бўлиб қолишган. Бугун қизлар мўйқалам билан сирлашаркан, Зулфия бўламан деб даврага тушади.

Коллеж, гимназияларда, мактабларда Зулфиялар сафи кенгаймоқда.

Бизнинг қувончимиз, умидимиз бўлиб сафга кирган Зулфия мукофоти совриндори — истеъдодли қизлар халқимизнинг маданий қатламларини тўлдирувчи янги кучлар, янги овозлар, янги юлдузлар бўлиб Ватанимизга хизмат қиладилар.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

Турмуш чорраҳаларида

"ЎҒЛИМНИНГ ОТАСИ БОР..."

Ҳусанбой билан Нигора институтда бир гуруҳда ўқишарди. Уларнинг бир-бирига самимий муносабатларини кўрган курсдошларидан тортиб, то домлаларигача ҳавас билан қарашарди.

Туғилган кун баҳонасида дугоналари қуршовида Хусаннинг уйига келган Нигорани унинг онаси Салима опа ҳам кўрди-ю, тинчи йўқолди. "Оёқ-қўли чаққон, одобли, истараси иссиққина қиз экан. Киройи келининг шундай бўлса-да"...

Салима опа ҳаяжонини ичига сиғдиролмади. Айниқса, тайёр диплом билан келадиган келинни бошқалар "илиб" кетса, бева бошим билан шундай қиздан қуруқ қоламанми, деган ўй унга тинчлик бермасди. Шунинг учун совчиларни тезлатди. Қиз томоннинг тўйга ҳозирлиги йўқлигига ҳам, "ҳали бир йил ўқиши бор, практикаси бор", деганларига ҳам қарамай, қариндошлар ва қудаларни ўз гапига кўндирди. Хуллас, икки ёшни унаштиришди-ю, кўнгли сал тинчиди.

Ёшлар амалиётни Россияда ўтаб қайтишгач, эгизак ўғиллари тўйиниям бошлаб юборди. Отасиз ўстирган болаларим ўксимасин, деб шаҳардан таниқли хонандаларни чақиртирди. Қўни-қўшни, қариндошуруғларнинг ёдидан чиқмайдиган чиройли тўй бўлди.

Бир хилда кийинган, бир-биридан гўзал келинлар хизматга киришдилар. Ҳамма нарса рисоладагидек, ҳаёт завқли давом этарди. Шундай кунларнинг бирида маҳалла шифокори ташриф буюрди:

— Опажон, аввало, қўш келин муборак бўлсин. Ҳаммалари қўша қаришсин, — дея юзига фотиҳа тортди шифокор.

— Айтганингиз келсин. Неча йиллик орзуим ушалди, — дея гапга гап улади Салима опа.

— Опажон, бу гапдан сизнинг хабарингиз борми, йўқми, билмадиму, лекин мен ўз вазифамни адо этишим керак. Келинларингиздан бири бизда рўйхатда турар эди. Олдинлари ўзи бориб кўринарди. Бир ойдан ошдики, бормай қўйди. Суриштирсам, манзили ўзгарган экан. Худо хоҳласа, кейинги ойда фарзандлик бўлади...

Бу гапни эшитган Салима опа тошдек қотди.

— Вой ўлай, шўрим қурибди-ку. Маҳалла-қўй, қариндошлар ичида шарманда бўлибман-ку! Энди қандоқ бош кўтариб юраман?!

Салима опа ўрнидан шаҳд билан турди-ю, уй юмушларидан эндигина бўшаб, дам олаётган кичик келинини судраб ташқарига олиб чиқди. Бўлмағур ҳақорат гаплар билан қарғади ва кўчага ҳайдади.

— Ойижон, нима учун бундай қиласиз? Кеч бўлсин, ўғлингиз ишдан қайтсинлар, кейин... — дея ўксиб-ўксиб йиғлади келин.

Кечқурун ўғил ишдан қайтиши билан Салима опа уни ҳам тергай кетди. Келинни уйдан ҳайдаб юборганги, энди уни хонадонга киритмаслигини айтди. Ўғил лом-мим деёлмади...

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Нигора ўғил кўрди. Келиннинг онаси "Ҳар ҳолда куёвим ота бўлди, ўз зурриёди-ку, ахир", дея тушунтириш баҳонасида қудасиникига йўл олди. Куёви билан гаплашди. Йўқ, Ҳусанбой ҳам онасининг раъйига қарши боролмади.

— Қизингиз бизни шарманда қилди. У ўғлимнинг боласи эмас. Қаерга борса-бораверсин, — деди Салима опа қатъий.

Салима опа шу воқеадан сўнг ўғлини яна икки бор уйлантирди. Лекин фарзанд бўлмади. Нигора эса турмуши бевақт бузилган бир йигитга турмушга чиқди. Яна фарзандлар туғилди.

Орадан йиллар ўтди. Ҳаёт заҳматларидан сочларига оқ оралай бошлаган Ҳусан Нигора ишлайдиган корхонага келди.

— Мен нодонлик қилдим. Ўз зурриёдимдан воз кечдим. Онамга тушунтиролмадим. Ўша пайтда ғурурим йўл қўймади. Сенинг болаларинг бор. Фарзандимни ўзимга қайтариб бер, ўзим уйлантирай! Ахир, отасиман-ку...

Нигора аллақачон бир қароргa келиб бўлган эди:

— Йўқ, Ҳусан ака. Энди бунинг иложи йўқ. Ўғлимнинг тарбиялаб, катта қилган отаси бор...

Лутфиниса ОДИЛОВА



КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Василий Иванович академияга имтиҳон топширгани борипти. Бир қанча вақтдан кейин қайтипти. Петька сўрапти:

— Қалай, ўқишга кирдингизми?

— Йўқ, Петька. Менга "0,5+0,5 қанча бўлади?" деган масала беришди. Ичимда сезиб турибман иккита яримтани қўшса, бир литр бўлади. Лекин буни математика йўли билан айтиб беролмадим-да.

Василий Иванович бир қўлидаги ароқни орқасига яширипти. Петька уни топса, ароқни ичишадиган, тополмаса шишани синдириб ташлашадиган бўлишипти.

— Чап қўлингизда! — депти Петька.

— Ўйла, Петька, ўйла — депти Чапаев, — нега шошиласан?

Жиноят ва жазо

«ЎҚЧИ»ДА ОТИЛГАН «ЎҚ»

Халқимиз топиб гапирган: «Текин луқма томоқ тешар». Дарҳақиқат, нафс балосидек дардга чалинган замондошларимизнинг сўнгги пушаймонларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Бироқ пушаймондан на ҳожат?! Ахир, ҳар бир киши босаётган қадамини олдиндан пухта, обдон ўйлаб босганини маъқул эмасми? Ҳалол меҳнат эвазига топган даромади орқали эл-юртга тўй бериб, дуо олиш нақадар ҳузурли бўлса, кўпчиликнинг ризқига чанг солиб, эл назаридан қолиш шу қадар қайғулидир. Афсуски, бу тушунча ҳар бир қалбда мавжуд эмас, акс ҳолда «гуруч ичидаги қурмак»ларни саралаб ўтиришга ҳам ҳожат қолмасди.

Марҳамат туман почта алоқа боғламасига қарашли «Ўқчи» почта бўлими бошлиғи (собиқ) Рустам Маматов ҳам нафс балосига гирифтор бўлди. Юзлаб пенсионерларнинг ҳақига кўз олайтириб, ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида жиноят сари қадам ташлади. Суяги шу соҳада қотган эмасми, ҳужжат юритишлару уларни сохталаштириш йўлларини олдиндан режалаштира бошлади. 2000 йилнинг май ойида ана шу режага биноан илк фаолиятини амалга оширди.

Нафси ҳакалак отган Рустам Маматов дастлаб 552330 сўм 60 тийин нақд пулни ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборди. Талон-тарож қилинган пулни ёпиш мақсадида эса 137 нафар пенсионерларнинг тўлов топшириқномаларига сохта имзо қўйди. Қалбакилаштирилган имзолар билан тўлган ҳужжатларга бир дам тикилар экан, енгил «уф» тортди.

Орадан бир ой ўтди. Мойдек ёққан текин даромад бу гал ҳам ўз домига тортмай қўймади. Июн ойида у берилиши лозим бўлган 5411368 сўм 90 тийиндан 204808 сўмини ўзлаштириб юборди. Бу борада почта хизматчилари Э.Қобулов билан С.Абдуллаевларнинг имзосини қалбакилаштиришни ҳам канда қилмади. Р.Маматов «Ўқчи» почта алоқа бўлими бошлиғи, яъни мансабдор ва моддий жавобгар шахс бўла туриб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган **«Пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисидаги йўриқнома»**га зид ҳолда фуқаролар ва давлат мулкига хиёнат қилди. Бу билан Марҳамат туман почта боғламаси 757138 сўм 20 тийин моддий зарар кўрди.

Болалар ва кексалар ҳақига хиёнат қилиш энг оғир гуноҳлардан биридир. Бироқ нафс уммонида қулоч отиб «суза бошлаган» Рустам Маматов «Ўқчи»да бўлимидан бир «ўқ» отдики, у ўз бошига минг бир балоларни ёғдирди. Натижада 137 нафар фуқароларнинг қарғишига «сазовор» бўлди. Қонун қандай чора кўрди, дейсизми? Асака шаҳар суди унга нисбатан тўрт йил озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллади. Қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтадилар-да.

Ойбек КАРИМОВ,
Андижон вилояти

БАНГИЛИК НИМА?

Инсон вужуди табиий ҳимоя воситасига эга. Бу ҳимоя илмий тилда "иммунитет" дейилади. Шу билан бирга киши руҳига таъсир этувчи шундай моддалар ҳам мавжудки, улар истеъмол этилса, организмнинг чидамлилигига путур етади. Бу жараён босқичма-босқич давом этади. Яъни, организм кучсизроқ таъсир кучига эга бўлган моддани қабул қилгач, унга нисбатан чидамлилиги ошади — ўзига хос қўникма ҳосил бўлади. Бунга мисол қилиб кашандаларни кўрсатиш мумкин.

Бундай ҳолатда организм тамакига қўникади ва тез-тез хумор қилиб туради. Агар у меъёридан оширилса, танада янги эҳтиёж пайдо бўлади. Киши руҳига кучли таъсир этувчи моддалар наркотиклар деб аталади. Наркотик моддалар шу қадар кучли руҳий таъсир кучига эгаки, у бор-йўғи бир-икки қўлланса бас, инсон наркотик моддага тобе бўлиб қолади. Бангилик деб аталувчи оғир касаллик шу тариқа вужудга келади.

Наркотик модда қабул қилган инсон дастлаб унга руҳий жиҳатдан қарам бўлади. Бу тобелик инсонга ҳаётнинг наркотикларсиз файзсиздек туюлишида ифодаланади. Чунки наркотик модда истеъмоли кишига бошида озроқ ҳузур-ҳаловат бағишлайди — баъзида гўёки "ажойиб туйғу" ларни бошдан кечиради. Бу ҳолат бангилар тилида "кайф" деб аталади. Бу пайтда организм наркотикларсиз яшай олмайди. Энди банги зарур бўлган миқдордаги наркотикни қабул қилмаса, унинг организмида турли хил хасталикларни қўзғатувчи оғир ҳолатлар юзага кела бошлайди — бу қон босимининг пасайишидан бошлаб, то бутун танада даҳшатли оғриқ пайдо бўлишигача олиб келади. Бу ҳолатни бангилар "худди гўштнинг суякдан ажралгани"га ўхшатишади.

Гиёҳвандлик — офат!

Дунёда кўп нарса сотилади ва сотиб олинади. Бу ҳолни иқтисодчилар "талаб таклифни юзага келтиради" дейишади. Яъни агар киши бирор нарсага эҳтиёж сезса, унга зарур бўлган нарсани пул эвазига муҳайё этувчилар, албатта, топилади. Лекин инсон ҳеч қачон наркотик модда истеъмол қилмаган бўлса, у ҳолда бангилар қандай пайдо бўлади? Аввало, бангиликка қизиқиш ҳосил қилинади. Иродаси заиф, ҳаётга енгил-елпи қаровчи кимсаларга ажойиб "ҳузун-ҳаловат" ҳақида обдон тушунтирилади. Унда бунга озгина қизиқиш пайдо бўлса, дарҳол унга "дўстлик" қўли чўзилади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, "дўстлар" қиммат нархдаги наркотик моддани нега текинга беради? Бунинг сабаби шуки, улар бангилар сонини ортишидан манфаатдор. Чунки бангига айланган кимса уларга катта даромад келтиради.

БАНГИНИНГ ТАҚДИРИ

"Кайфиятни кўтаради" қабилидаги иш бориб-бориб инсоннинг руҳан ва жисмонан афюнга қарам бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бангилар тилидаги "синиш" ҳолатига тушган кимсанинг танаси бўлиниб кетаётганга ўхшаб қаттиқ оғрийди, қўрқув васвасаси пайдо бўлади. Даҳшатли оғриқлардан халос бўлиш учун у ҳамма нарсадан воз кечади. Шу боис бангининг ягона ғамташвиши яна наркотик модда топиш бўлади, лекин у тез орада уни осонликча топиш мумкин эмаслигини тушунади. Аввалига уни текинга меҳмон қилган "дўстлар" энди ундан пул сўрашади. Пул топиш мақсадида турли хил жиноятлар содир этади.

Хуллас, кўнгилхушлик илинжида бошланган енгилтаклик пировардида ажал элчисига айланади. Унинг чангалига тушганларни муқаррар ўлим чоҳи кутади.

И. ВАҲОБОВ,
Фарғона вилояти наркология диспансерининг бош врачи

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: С. ЭРГАШЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Н. ОРТИҚОВ
Компьютер оператори: З.БОЙМИРЗАЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.